



XASR



TADBIRKORLAR VA ISHBILARMONLAR HARAKATI — O'ZBEKISTON LIBERAL-DEMOKRATIK PARTIYASI NASHRI

Gazeta 2004-yil 1-yanvardan chiqra boshlagan

IJTIMOIIY-SIYOSIIY GAZETA

2015-yil 2-aprel, payshanba, 14 (594)-son

e-mail: xxi_asr@mail.ru, web sayt: www.21asr.uz



Сайловнинг дастлабки натижалари эълон қилинди



Солқик 30/ИР олган суратлар

Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини ёритиш бўйича Республика матбуот марказида ўтказилган матбуот анжуманида Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловининг дастлабки натижалари эълон қилинди

Марказий сайлов комиссияси раиси М.Абдусаломов 29 март куни Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови миллий сайлов қонунчилиги ва халқаро ҳуқуқнинг умумэътироф этилган демократик принципларига тўла мувофиқ ҳолда ўтганини таъкидлади.

Овоз беришда 18 миллион 942 минг фуқаро, яъни сайловчиларнинг 91,08 фоизи иштирок этди. «Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови тўғрисида»ги қонуннинг 35-моддасига мувофиқ бу

Президент сайлови ўтганлигидан далолат беради.

Сайловда сайлов қонунчилиги бузилиши ҳолатлари қайд этилмади.

— Сайловчилар фаоллиги аҳолининг сиёсий маданияти юқориликдан, фуқаролар мамлакатимизнинг келажақдаги тараққиёти уларнинг қарорига боғлиқ эканини чуқур англашидан далолатдир, — деди Марказий сайлов комиссияси раиси.

Матбуот анжуманида Ўзбеки-

стон Республикаси Президенти сайловининг дастлабки натижаларига кўра, Исрол Каримовга 17 миллион 122 минг 577 фуқаро ёки сайловчилар умумий сонининг 90,39 фоизи, Акмал Саидовга 582 минг 688 киши ёки сайловчиларнинг 3,08 фоизи, Хотамжон Кетминовга 552 минг 309 киши ёки сайловчиларнинг 2,92 фоизи, Наримон Умаровга 389 минг 24 киши ёки сайловчиларнинг 2,05 фоизи овоз бергани маълум қилинди.

Анжуман қатнашчиларига Мар-

казий сайлов комиссияси айна пайтда округ сайлов комиссиялари томонидан тақдим этилган протокол ва бошқа ҳужжатларни кўриб чиқаётгани ҳақида ахборот берилди. «Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови тўғрисида»ги қонунга мувофиқ ушбу ҳужжатларни, зарурат туғилганда, айрим участка сайлов комиссияларининг материалларини Марказий сайлов комиссияси яна бир марта синчиқлаб текширади ва шундан сўнг сайлов натижаси бўйича қарор қабул қилади.

Миллий сайлов қонунчилигига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови якунлари тўғрисидаги ахборот сайловдан кейин ўн кундан кечиктирилмай, яъни 2015 йил 8 апрелга Марказий сайлов комиссияси томонидан матбуотда эълон қилинади.

Матбуот анжуманида журналистлар ўзларини қизиқтирган саволларга жавоб олди.

Сардор ТОЖИЕВ, ЎЗА мухбири.

Каримжон бобонинг дуоси

...Ёш бўлишига қарамай, Каримжон фронтга кетди. Фашистларга қарши жангларда қатнашди.

— Уша йиллар ҳамон кўз олдимдан кетмайдими, — дейди бугун Каримжон ота. — Одамлар оч, қашшоқ эдилар. Аммо улар яхши кунлар келишига умид қилишарди. Ана шу умид тинмай меҳнат қилишга ундарди.

Бугунги тинч, фаровон замонда яшаётган ёшлар ҳар кунига шуқрона айтса арзийди. Улар уруш даҳшатларини кўрмаган, кўрмасин ҳам. Турмуш ўртоғим билан умргузаронлик қилиб, 7 фарзандни воляга етказдик. Бугун элликдан зиёд набира, эвараю, чеваралар ардоғидамиз. Марғилон шаҳрида истиқомат қилувчи отахон неварачевараларини ёнига ўтказиб, ўтган кунларини ҳикоя қилиб беради. Унинг «Йўрмадўз» маҳалласидаги обрў-эътиборига ҳавасимиз келди. Муҳтарам Юртбошимиз томонидан жорий йилнинг Кенсаларни эъзозлаш йили деб номланганлиги ёши улуг инсонлар каби Каримжон отани ҳам қувонтирди.

— Тинчлигимизга кўз тегмасин, — дейди бобо сўзини давом эттириб. — Йигит-қизларимиз ўқиб-ўрганишдан, меҳнат қилишдан асло толмасин. Ахир улар келажақ ворислари. Президентимизнинг 1941-1945 йиллардаги Иккинчи жаҳон урушида фашизм устидан қозонилган ғалабанинг 70 йиллиги нишонлаши муносабати билан бизни моддий рағбатлантириш тўғрисидаги фармони руҳимизни янада кўтариб юборди. Бундай гамхўрлик учун миннатдорчилик изҳор этган ҳолда ҳаётимиз янада ғўзал, юртимиз тинч, осмонимиз мусаффо бўлсин, дея дуо қиламан.

Муҳаммадjon МАҲМУДОВ.

ЮКСАК САВИЯ ВА УЮШҚОҚЛИК

Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови юртимизнинг барча ҳудудларида очик, ошқора, умумэътироф этилган демократик тамойилларга мос ўтказилди

Хусусан, 29 март куни эрталаб соат 6.00 дан Қорақалпоғистон Республикасидаги 589 та участка сайлов комиссиялари жойлашган биноларнинг эшиклари конституцион ҳуқуқидан фойдаланишга чоғланган юртдошларимиз учун очилди.

Сайлов жараёни билан яқиндан танишиш, бу муҳим сиёсий тadbирни кузатиш учун Оролбўйи минтақасининг энг олис ҳудуди — Мўйноқ туманига отландик. Нукусдан бу томонга йўл олганлар ҳар доим хоҳ бевосита, хоҳ билвосита бўлсин, мустақиллик шарофати билан дарё устида барпо этилган замонавий кўприкда бир сония тўхтаб, оби ҳаёт оқимига назар соладилар. Президент сайлови куни дарёда ўтган йилнинг айнан шу кунига нисбатан уч баравар кўп сув оқаётганини кўрдик. Бу қувончли ҳол ҳамжиҳат халқимизнинг ниятлари нақадар эзу эканидан далолатдир. «Нукус-Кўнғирот-Бейнеу» автомагистралининг икки ёнида саховатли тупроққа барақа уруғларини қадаш, мевали ва манзарали дарахт кўчатлари ўтқазиб, эртаги сабзавот, полиз экиш билан боғлиқ ишлар авжида.

— Бугун биринчи марта ўз сайлов ҳуқуқимдан фойдаландим. Ўзим танлаган муносиб номзод учун, юртимнинг келажаги учун овоз бердим, — дейди Мўйноқ Саноят ва транспорт касб-хунар коллежи битирувчиси П. Эспўлов. — Овоз бераётганимда Ўзбекистонимиз нақадар улкан имкониятлар мамлақати, инсонпарвар, ёшу

қарини қадрлайдиган давлат экани хаёлимдан ўтди. Бу фикримнинг исботи учун иккита ёрқин мисол келтириб ўтаман. Биринчиси — экологик муаммоларга бағишлаб ўтказилган Урганч конференциясидан кейин ажратилган маблағлар асосида Дарёборлиги сув омборида кенг кўламли бунёдкорлик ишлари бошланиб кетди. Томчида кўёш акс этганидек, шахсан менга 2,8 миллион сўм имтиёзли кредит берилди. Шу тариқа ўз хусусий бизнесимни бошладим. Айтинг, бундай улуг, барикенг, обод мамлакат яна қайда бор? Шунинг учун ҳам халқимиз элим, юртим, унинг ойдin истиқболи деган номзодга овоз берди!

Андижон. Пахтабод тумани, Маданият қишлоғидаги 23-умумтаълим мактабида жойлашган 580-сайлов участкасига даставвал кўпни кўрган нуруний отахонлар, маҳалла оқсоқллари ҳамда бу йил биринчи марта овоз берадиган ёш сайловчилар етиб келдилар.

Давлатимиз мадҳияси янраганидан кейин сайлов участкаси эшикларини очилиб, овоз бериш жараёнилари бошланиб кетди.

Қишлоқ аҳолисининг сиёсий тadbирга қаратган бундай эътиборини бошқа давлатларда учратиш қийин, албатта. Зеро, улар шу тариқа мустақил юртинг эркин фуқаролари сифатида мамлакатимизнинг эртанги куни, унинг тинчлик ва осойишталиги учун овоз бердилар.

— Участкамизда сайловчиларнинг ўз танловларини амалга оширишлари учун барча шароитлар муҳайё қилиб қўйилган, — дейди 34-сайлов участкаси раиси Гулчехра Сайфутдинова. — Оналар ва болалар, тиббиёт хоналари керакли жиҳозлар, дори-дармонлар билан таъминланди. Кун давомида комиссиямиз аъзолари сайловчиларни қизиқтирган саволларга жавоб бериб турдилар. Соғлиги туфайли ёки бошқа сабабларга кўра участкага келолмаган сайловчиларга комиссиямизнинг икки-уч нафар аъзоси иштирокида уларнинг ўз уйларида овоз беришлари учун имконият яратиб берилди.

Бухоро. Округ сайлов комиссияси раиси Мирзохид Даминовнинг таъкидлашича, 29 март куни вилоят бўйича рўйхатга олинган сайловчиларнинг 91,11 фоизи, яъни 1 миллион 119 минг 843 нафари ўз конституциявий ҳуқуқидан фойдаланиб, ҳудудда ташкил этилган 500 та сайлов участкасига бориб, муносиб номзодлар учун овоз берди. Эътиборлиси, ушбу муҳим сиёсий жараён давомида сайлов участкаларида АҚШ, Покистон, Япония, Италия, Германия, Португалия ва бошқа хорижий давлатлар, шунингдек, мамлакатимизда фаолият кўрсатувчи сиёсий партияларнинг юзлаб кузатувчилари, ОАВ вакиллари ҳозир бўлдилар.

— Сайлов участкаларининг демократик стандартлар асосида шай

ҳолга келтирилгани юртингиздаги энг муҳим сиёсий жараённинг талаб даражасида ўтказилишида ҳал қилувчи аҳамиятга эга бўлди, — деди Токио университети фахрий профессори Масатака Такешита. — Фикримча, Ўзбекистоннинг бу борадаги тажрибасини тўлиқ ўрганиб, бошқа давлатлар ҳам амалда қўлласса бўлади.

Навоий. Вилоятнинг шаҳар, овул ва қишлоқларида ташкил этилган жами 333 та сайлов участкасида овоз бериш жараёни уюшқоқлик билан ўтказилди.

— 1966 йил турмуш ўртоғим билан бирга Ўзбекистонга, яъни Навоий шаҳрига кўчиб келганимизда уйимиз бўлмагани сабабли вақтинча ўзбеклар хонадониде яшаганмиз. Ўша пайтда маҳаллий аҳоли ниҳоятда бағрикенг, меҳмондўст, саховатли ва меҳрибон халқ эканлигига амин бўлгандим, — дейди Навоий шаҳрида истиқомат қилувчи меҳнат фахрийси Таисия Қрилова. — Шунинг учун ҳам қизим Тамара ўзбек йигитига турмушга чиқмоқчи бўлганида тўсқинлик қилмаганман, аксинча, дилдан қувонганман. Айни кунда уларнинг саккиз нафар фарзанди, менинг эса гулдай невараларим бор. Туғишганларимдан аъло бўлганларим ҳар кун, ҳар қадамда менинг ҳолимдан хабар олиб турадилар. Шу сабаб Ўзбекистонни Ватаним деб биламан.

ХАЛҚАРО КУЗАТУВЧИЛАР МИССИЯЛАРИ:

ЎЗБЕКISTONDA САЙЛОВ ЭРКИН ВА ОШҚОРА ЎТДИ

Тошкент шаҳрида Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш жараёнини кузатиб борган халқаро ташкилотлар миссияларининг якуний матбуот анжумани бўлиб ўтди

Бутунжаҳон сайлов органлари ассоциацияси кузатувчилари миссиясининг матбуот анжуманини миссия раҳбари, ассоциациянинг режалаштириш бўлими директори Ли Чжон Хи бошқарди.

29 март — сайлов куни миссия вакиллари Тошкент ва Самарқанд шаҳарларидаги сайлов участкаларида бўлиб, овоз бериш ҳамда уларни санаб чиқиш жараёнини кузатгани таъкидланди. Миссия аъзоларининг фикрича, сайлов юксак ташкилий даражада ўтди, сайловчилар овоз беришда фаол иштирок этди, овозларни санаб чиқиш жараёни очик ва ошқора амалга оширилди.

— Кузатув давомида сайлов қонунчилиги бирор марта ҳам бузилмаганининг гувоҳи бўлдик, — деди Ли Чжон Хи журналистларга берган интервьюсида. — Сайлов куни эрталаб соат 10.00 да овоз бериш учун келган сайловчилар сони 30 фоиздан ошгани аҳолининг фаоллиги, мамлакат келажаги учун ўз сайлов ҳуқуқини амалга оширишдан манфаатдорлигидан далолат беради. Шунингдек, бу фуқароларнинг ҳуқуқий маданияти ва сиёсий фаоллиги юқорилигини намоян этади.

БУГУНГИ СОНДА:

МУНОСАБАТ
Очиқлик, ошқоралик, адолатлилик ва тенглик тамойилларининг амалдаги намойиши



ЖАРАЁН
«Арча бобо»нинг антиқа боғлари



ҚУЙ БЎҒИНЛАРДА
Амалий ишларга кўчган ташаббуслар



ҲАЁТ ҲАҚИҚАТЛАРИ
Помидорнинг ақулага қандай алоқаси бор?



Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ахбороти
Ўзбекистон Республикаси Марказий банки 2015 йил 31 мартдан бошлаб валюта операциялари бўйича бухгалтерия ҳисоби, статистик ва бошқа ҳисоботлари юритиш, шунингдек, боғжона ва бошқа мажбурий тўловлари учун хорижий валюталарнинг сума нисбатан қийматини белгилади.*

* Валюта қийматини белгилаш чоғида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки мазкур валюталарни ушбу қийматда сотиш ёки сотиб олиш мажбуриятини олмаган.

| | | | | | | | | | |
|-------------------------|---------|--------------------|---------|---------------------|--------|--------------------|---------|-----------------------|---------|
| 1 Австралия доллари | 1921,44 | 1 АҚШ доллари | 2490,20 | 1 Хитой юани | 400,85 | 1 Польша злотийси | 659,43 | 1 ЕВРО | 2716,76 |
| 1 Англия фунт стерлинги | 3698,20 | 1 Миср фунти | 326,37 | 1 Россия рубли | 43,14 | 1 СДР | 3452,04 | 10 Жанубий Корея вони | 22,52 |
| 1 Дания крониси | 362,22 | 1 Исландия крониси | 18,32 | 1 Украина гривнаси | 105,91 | 1 Туркия лираси | 951,91 | 10 Япония иенаси | 208,87 |
| 1 БАА дирҳами | 678,09 | 1 Канада доллари | 1972,75 | 1 Малайзия ринггити | 671,03 | 1 Швейцария франки | 2588,30 | | |

САЙЛОВ-2015

➤ ХАЛҚАРО КУЗАТУВЧИЛАР МИССИЯЛАРИ:

ЎЗБЕКИСТОНДА САЙЛОВ ЭРКИН ВА ОШКОРА ЎТДИ

Давоми. Бошланиши 1-саҳифада ▼

Мустақил давлатлар ҳамдўстлиги кузатувчилари миссиясининг матбуот анжуманида МДХ Ижроия қўмитаси раиси — ижрочи котиби Сергей Лебедев миссиянинг Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови натижаларига бағишланган баёнотини ўқиб эшиттирди.

С.Лебедев Ўзбекистон миллий сайлов қўнучилигига кейинги йилларда киритилган ўзгаришлар уни янада такомиллаштирганини таъкидлади. Бунда халқаро тажриба ва миллий манфаатлар уйғунлигини кўриш мумкин.

— Биз сайлов жараёни эркин кузатишимиз учун барча шароит яратиб берилди, — деди Сергей Лебедев. — Сайлов комиссиялари, ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари вакиллари билан учрашдик, фуқаролар, сиёсий партиялар кузатувчилари билан суҳбатлашдик. Шунингдек, Ўзбекистоннинг барча ҳудудларида бўлиб, жойларда сайловга тайёргарлик ишлари билан танишдик, овоз бериш жараёнини кузатдик. Сайлов юксак савияда ташкил этилганига гувоҳ бўлдик. Сиёсий партиялар кузатувчилари ва халқаро экспертлар билан фикр алмашиб, сайлов очик ва ошқора ўтгани ҳақида яқдил хулосага келдик.

Миссия вакилларининг таъкидлашича, сайловда сайловчиларнинг 91 фоиздан ортиги иштирок этгани алоҳида эътиборга молик кўрсаткичдир. Бу Ўзбекистон фуқаролари ўз масъулиятини теран ҳис этиб ва мамлакат Президенти лавозимига муносиб номзод учун овоз бериб, юрт келажагига ҳиссасини қўшишга интилаётганидан далolat беради.

Сайловда ёши улуг кишилар ва ёшлар бирдай фаол иштирок этгани МДХ кузатувчиларида катта таассурот қолдирди. Айниқса, 2 миллионга яқин йилит-қиз илк бор овоз бергани диққатга сазовор. Сайлов участкаларига кела олмаганларнинг овоз бериши ва муддатидан олдин овоз бериш учун яратилган шароитлар юксак даражада ташкил этилди.

Шанхай ҳамкорлик ташкилоти кузатувчилари миссияси матбуот анжуманини миссия раҳбари, ШХТ Бош котиби Дмитрий Мезенцев бошқарди. У ташкилот кузатувчилари сайлов кампаниясининг бориши, Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловига тайёргарлик кўриши ва уни ўтказиш бўйича асосий тадбирлар дастури ижроси билан танишганини таъкидлади. Миссияга Президентликка номзодлар ва уларнинг сайловда дастурлари ҳақида тўлиқ ахборот тақдим этилди.

Миссия баёнотида Президентликка номзодларга оммавий ахборот воситаларидан фойдаланишда тенг имкониятлар берилгани, сайлов кампанияси давомида сайловда ташвиқоти олиб боришда қўнунни бузиш ҳолатлари аниқланмагани қайд этилган.

Овоз бериш жараёни ва сайлов яқунларини сарҳисоб қилишни ҳолис баҳолаш мақсадида миссия участка сайлов комиссияларининг фаолияти билан ҳам танишди. 29 март куни миссия аъзолари Тошкент, Самарқанд, Бухоро шаҳарлари, Тошкент вилоятининг Чирчиқ шаҳри, Зангиота ва Қўйраб туманларидаги тўқсондан ортиқ сайлов участкаларида бўлди. ШХТ кузатувчилари овоз беришда фуқароларнинг фаоллиги юқори бўлганини таъкидлади.

«Кузатувчилар сайлов участкаларида бўлганида сайловчилар ва сиёсий партиялар вакилларидан миссия аъзоларига шикоят ва танқидий фикрлар билдирилмади», деб қайд этилган баёнотда.

Миссия кузатув яқунлари бўйича Президент сайлови Ўзбекистон Республикасининг сайлов қўнучилиги, Марказий сайлов комиссиясининг меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлари ва Ўзбекистон ўз иммасига олган халқаро мажбуриятларга тўла мувофиқ ҳолда, очик ҳамда демократик вазиятда ўтганини таъкидлади.

Ислом ҳамкорлик ташкилоти кузатувчилари миссияси ҳам Президент сайловини мониторинг қилиб борди. Матбуот анжуманида миссия раҳбари, ташкилотнинг сиёсий масалалар бўйича департаменти директори Али Аболхасанов миссия вакиллари Марказий сайлов комиссиясида учрашувлар ўтказгани, округ ва участка сайлов комиссиялари фаолияти билан танишгани, сайловчилар билан суҳбатлашгани, овоз бериш жараёнини кузатганини таъкидлади.

— Сайлов ғоят юксак ташкилий даражада ўтди, — деди А.Аболхасанов. — Марказий сайлов комиссияси сайловга пухта тайёргарлик кўрган ва бу сайлов давомида яққол намоён бўлди. Сайлов миллий қўнучилик талаблари ва халқаро нормаларга тўла мос равишда, демократик тарзда, адолатли ўтди. Фуқароларнинг ушбу муҳим сиёсий воқеада фаол иштирок этгани бизда катта таассурот қолдирди. Биз борган ҳар бир сайлов участкаси сайловчилар билан гавжум эди. Айниқса, улар орасида сайловда илк бор иштирок этган йилит-қизларнинг кўпчилиги қувонарли ҳолдир. Ёшларнинг бундай сиёсий воқеага қизиқиши ва фуқаролик масъулияти ортиб бораётганини ҳис этдик.

(ЎЗА)

Шукрона

Ёшим 90 да. Фарғона вилоятининг Қўштепа туманида истиқомат қиламан

29 март куни яхши ниятлар билан сайлов участкасига чиқиб, Ислом Каримовга овоз бердим. Зеро, айнан шу кишининг раҳнаомлигида олиб борилган ислохотлар самараси ўлароқ, юртимиз аҳли тинч-осуда ҳаёт кечирмоқда. Фарзандларимиз маънан ва жисмонан соғлом авлод бўлиб воёга етаяпти. Кексалару аёллар доимо ардоқда. Бўлмаса мендек оддий бир аёлнинг камтарона меҳнати юқори баҳолашиб, юксак давлат мукофотлари билан тақдирланармиди?!

Энг муҳими, доно сиёсат туфайли Ўзбекистон буюк келажақ сари илдам қадамларни ташлаб, ривожланиб бормоқда. Сўзимни исботи учун истиқлол йилларининг қайси ютуқлари ҳақида гапирай? Дон мустақиллигига эришганимизни ёки таълим, тиббиёт, автомобилсозлик, транспорт соҳаларида амалга оширилган мислсиз ўзгаришларини? Қамчиқ довоида қурилаётган темир йўлни эътироф этайми ёки қишлоқларда бунёд этилаётган, барча шароитларга эга бўлган уйлари тилга олайми?

Фурсатдан фойдаланиб, фарғоналик барча ёши улуг нурунийлар номидан Ислом Абдуғаниевични Президентлик сайловида энг кўп овоз олгани билан муборакбод этаман. Халқ бахт-саодатини ўйлаб, тинчлик ва осойишталикни сақлаб турганига шукрона айтаман.

Мастура ШОДМОНОВА,

«Шухрат» ва «Жасорат» медаллари соҳибаси.

ОЧИҚЛИК, ОШКОРАЛИК, ТАМОЙИЛЛАРИНИНГ



О'zLiDeP тарғиботнинг қўнун доирасидаги барча воситаларидан самарали фойдаланишга интилади. Масалан, 829 та йирик ҳажмли баннер тайёрланиб, уларнинг Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳри ҳамда барча вилоятлардаги шаҳар ва туманлар кўчаларига ўрнатилиши таъминланди. Бундан ташқари, Президентликка номзоднинг таржимаи ҳоли ва сайловда дастури, шунингдек, О'zLiDeP VII Съезидаги маърузаси брошюра шаклида 80 минг нусхада чоп этилди. О'zLiDeP Марказий сайловда штабининг қарорига мувофиқ партия наشري — «XXI asr» ижтимоий-сиёсий газетасининг сайлов жараёни тўлиқ аксини тоғлан сонлари газета умумий тиражига қўшимча равишда 13 минг нусхада чоп этилиб, сайловчиларга етказилгани, 10 дан зиёд турдаги тарқатма материаллар худудий штабларга тарқатилгани ҳам диққатга моликдир.

«Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови тўғрисида»ги қўнунда белгиланганидек, Президентликка номзодлар, сиёсий партияларга сайловда ташвиқоти ўтказиш учун оммавий ахборот воситаларидан фойдаланишда тенг ҳуқуқ берилган. Яратилган имкониятлардан умумий фойдаланган ҳолда номзоднинг жойлардаги учрашувлари ОАВда мунтазам ёритиб берилди. Жумладан, Ислом Каримовнинг вилоятларда сайловчилар билан бўлиб ўтган учрашувлари телерадиоканалларнинг ахборот дастурларида намоийш этилди. Ушбу тадбирлар тўғрисидаги мақолалар «Халқ сўзи», «Народное слово» ва «Правда Востока» газеталарида чоп этилди. Мазкур наشرларда тарғибот-ташвиқот фаолиятига доир 14 та материал эълон қилинди. «XXI asr» ижтимоий-сиёсий газетаси ва партия

Шу йилнинг 29 март куни миллий қўнучилик ва умумэтироф этилган халқаро ҳуқуқий меъёларга тўлиқ риоя этилган ҳолда бўлиб ўтган Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловида фаол қатнашган юртдошларимиз мазкур сиёсий тадбирга ана шундай баҳо беришмоқда.

Айни кунларда Ўзбекистон халқи улкан сиёсий аҳамиятга эга воқеа — сайлов руҳи ва кайфияти билан яшашга, десак муболаға бўлмайд.

Эътироф этиш зарурки, халқимиз сайлов мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш, инсон ва унинг манфаатлари устувор бўлган фуқаролик жамиятини барпо этиш, тараққий топган давлатлар қаторидан муносиб жой олишдек стратегик мақсадлар рўёбида долзарб ўрин тутганини чуқур англамоқда. Бу

фикрнинг ёркин тасдиғи Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзодларнинг сайловда ташвиқоти жараёни, фуқароларнинг ҳар бир номзод дастурида илгари сурилган вазифаларни синчиқлаб ўргангани, энг асосийси, сайловчиларнинг бутун сиёсий кампания давомидаги фаоллигида яққол кўзга ташланди. Бўлиб ўтган сайлов юртдошларимизнинг масъулияти, мамлакатимизда амалга оширилаётган ислохотлар ва демократик ўзгаришларга дахлдорлик ҳисси сезиларли равишда юксалганидан далolat берди.

Сиёсий кампания мамлакатимизни демократик янгилаш ва модернизация қилишга қаратилган ислохотларни янада чуқурлаштиришни янги босқичда, янги ижтимоий-сиёсий шароит-тутишини чуқур англамоқда. Бу

этиш жоиз. «Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш ҳаётга татбиқ этилиши натижасида сайлов тизимини ривожлантириш бўйича кенг қўламли чора-тадбирлар амалга оширилди. Марказий сайлов комиссиясига конституциявий мақом берилди.

Сайловга ҳар жиҳатдан пухта ҳозирлик кўрилгани беқиёс аҳамият касб этди. Хусусан, Тад-ўзгаришларга дахлдорлик ҳисси сезиларли равишда юксалганидан далolat берди.

Шу ҳақда сўз юритар эканмиз,

сиёсий партиялар кўрсатган номзодлар Марказий сайлов комиссияси томонидан расман рўйхатга олинганидан сўнг сайлов жараёнининг муҳим босқичи — сайловда тарғибот-ташвиқот тадбирлари уюшқоқлик билан ташкил этилганини қайд этиш лозим. Жумладан, партиямиздан кўрсатилган номзоднинг барча — 14 та сайлов округида сайловчилар билан учрашувлари кизгин, самимий мулоқотлар тарзида ўтказилди. Мазкур тадбирларда 4 мингдан ортиқ сайловчи иштирок этди. Шунингдек, номзоднинг жойлардаги ишончли вакиллари аҳоли ўртасида тизимли ишлар олиб боришди. Улар туман ва шаҳарларда сайловчилар билан 200 дан ортиқ учрашув ўтказдилар. Мулоқотларда 52 мингдан ортиқ фуқаро қатнашди.

Масъулиятли жараёнда

Гайратимга гайрат қўшилди



Баҳодир СУЛМОНОВ, тадбиркор, О'zLiDeP аъзоси:

— Мамлакатимиздаги ҳар бир фуқаро сайлаш ва сайланиш ҳуқуқига эга. Бу — Бош қўмусимизда алоҳида белгилаб қўйилган. Конституциявий ҳуқуқимиздан фойдаланиб, 29 март куни О'zLiDeПдан кўрсатилган номзод Ислом Каримовга овоз бердим. Унинг сайловда дастури сиёсий қарашларим ва ҳаётим озу-умидларим билан тўла ҳамоҳанг бўлиб, юртимизнинг ижтимоий-иқтисодий тараққиётига йўналтирилганлиги билан эътиборимни тортди. Са-

ноатни диверсификация қилиш ва модернизациялаш ҳисобида иқтисодий рақобатбардорлигини ошириш, хусусий мулк ва тадбиркорлик ривожини йўлга қўйиш, давлатнинг иқтисодийдаги улушини қайта кўриб чиқиш, инвестициявий муҳитни янада яхшилаш, аҳоли бандлигини таъминлаш, касб-хунар коллежлари битирувчиларини ишга жойлаштириш, чет давлатлар билан ўзаро манфаатли ҳамкорликни кенгайтириш ва-

рурлигига алоҳида урғу берилгани халқимизнинг ҳаётий манфаатларига тўла мосдир.

Айниқса, тадбиркорлик ривожини йўлга қўйишда таъминланган тўсиқларни бартараф этиш, давлатнинг иқтисодийдаги улушини қайта кўриб чиқиш, инвестициявий муҳитни янада яхшилаш, аҳоли бандлигини таъминлаш, касб-хунар коллежлари битирувчиларини ишга жойлаштириш, чет давлатлар билан ўзаро манфаатли ҳамкорликни кенгайтириш ва-

Умрбод ёдимда қолади



Дилафрўз ҲАСАНОВА, П.Ф.Боровский номидаги тиббиёт коллежи талабаси:

— Ўзбекистон ёшларига бугун дунёнинг кўплаб мамлакатларида ҳавас билан қарашди. Бу бежиз эмас, албатта. Чунки биз давлатимизнинг юксак эътибори ва ғамхўрлиги остида таҳсил олиб, ўз келажагимизни ўз қўлларимиз билан барпо этаёмиз. Ўқиб, касб-хунар эгаллаш учун етарли шароит яратилган. Шундай юрт фарзанди эканлигимдан фахрланаман. Ният — келгусида аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш, соғлом ва баркамол авлодни воёга етказишдек олижаноб ишга ўз ҳиссамни қўшиш.

Президент сайловида илк бор иштирок этдим. Бу кун бир умр ёдимда қолади. Эрта тонданок сайлов участкаси томон ошқорқанман, ҳаяжонимнинг чеки йўқ эди. Унгача Президентликка номзодларнинг дастурий мақсадлари билан батафсил танишиб чиққандим. Шу боис аниқ қарорга қилишим қийин бўлмади. Юксак келажаққа бўлган ишонч туйғусини ҳис этган ҳолда О'zLiDeПдан кўрсатилган номзод Ислом Каримов учун овоз бердим.

Биринчи ўзим бўлибман



Хусан ота ШОМУРОТОВ, меҳнат фахрийси:

— Тўқсон биринчи баҳорни қаршиладим. Икки нафар қизим бор. 11 невра ва 30 эвара ардоғида кексалик гаштини сурагман. Биз собиқ шўро давридаги сайловларни кўп кўрганмиз. Ҳозиргидек ҳолис, одилона руҳда ўтадиган сайловларни фақат орзу қилардик. Шукр, истиқлол шарофати билан шу кунларга етдик. Бугун ёшу қари учун демократик сайлов ҳуқуқи таъминланган. Кимга овоз беришни ҳар бир фуқаро ўзи белгилайди.

Комиссия аъзолари сайлов қўнунини уйингизга олиб борамиз, ўша ерда овоз бераверасиз, дейишди. Лекин мен кўнмадим. Чунки ҳали тетикман. Қарангки, пойтахтимизнинг Мирзо Улуғбек туманидаги 87-сайлов участкасига ташриф буюрган биринчи сайловчи ўзим бўлибман. Мутасаддилар катта ҳурмат-эҳтиром билан кутиб олишди. Бундан беҳад хурсанд бўлдим.

2015 йилнинг Кексаларни эъ-

Пухта тайёргарлик эътиборимни тортди



Умида ТУРСУНБОВА, Пойтахтимиздаги 69-умумий ўрта таълим мактаби ўқитувчиси:

— 29 март куни сайлов участкасига ташриф буюрарканман, муҳим сиёсий тадбирни юксак савияда, уюшқоқлик билан ўтказиш учун пухта тайёргарлик кўрилганига ишонч ҳосил қилдим. Сайлов хоналари зарур техника воситалари, компьютер, телефон, нусха кўчириш ускуналари, шунингдек, сайлов тўғрисидаги қўнунлар тўплами ва бошқа адабиётлар билан таъминланган. Сайлов кўппартиявийлик асосида, очик-ошқо-

ра руҳда ташкил этилгани эътиборга молик.

Ўтган давр мобайнида мамлакатимизда Кадрлар тайёрлаш миллий дастури ва унинг узвий давоми бўлган Мактаб таълиминини ривожлантириш давлат умуммиллий дастури изчиллик билан амалга оширилди. Кўплаб мактаб, коллеж, лицейлар барпо этилди, мавжудлари тубдан таъмирланди, замонавий ўқув-услубий воситалар, ахборот технологиялари билан

жиҳозланди. Буларнинг барчаси келажагимиз эгаларининг ҳеч қандам кам бўлмаган камолга етиши учун хизмат қилмоқда. Ёшлар таълим-тарбиясига қаратилган юксак эътибор барчамизни янада фаолликка ундайди. Сайлов кунини мен ана шу эзу ишларнинг бошида турган Ислом Каримов номзоди учун овоз бердим. Зеро, буюк келажақнинг мустаҳкам пойдевори бугундан яратилади.

МУНОСАБАТ

АДОЛАТЛИЛИК ВА ТЕНГЛИК АМАЛДАГИ НАМОЙИШИ

веб-сайтида ҳам сайловчилар билан ўтказилган учрашувларига кенг ўрин берилди. Шунингдек, «Ўзбекистон» телеканалнинг «Сайлов — демократия кўзгуси» кўрсатувида партия фаоллари беш маротаба чиқиш қилишди. Фаол маслаҳатларимиз саъй-харакатлари билан вилоят ва туманларда чоп этиладиган газеталарда ҳам сайловга оид туркум мақолалар эълон қилинди. Сиёсий кампанияда O'zLiDePнинг иштироки билан боғлиқ материаллар 60 дан ортиқ маҳаллий ва хорижий веб-сайтлар, шунингдек, 810 маротаба турли ижтимоий тармоқларда жойлаштирилди.

Ортодошларимизнинг сайлов ҳуқуқларидан фойдаланишлари учун барча шарт-шароит яратилди. Участка сайлов комиссиялари учун Марказий сайлов комиссияси томонидан ҳар жиҳатдан қулай бинолар танланиб, уларда сайловчилар, сайлов комиссияси аъзолари ҳамда кузатувчилар учун қулайликлар мўҳайё қилинди. Участкалар техник алоқа воситалари билан тўлиқ таъминланди.

Сайловчилар овоз бериш вақти ва жойи тўғрисида хабардор қилинди. Мухим сиёсий тадбирнинг очкичилиги ва ошкоралигини тўла таъминлаш мақсадида сиёсий партиялар кузатувчилари ва ваколатли вакилларига тегишли гувоҳнома ҳамда маънавий ёрдам берилди. Буларнинг барчаси сайловнинг демократик таъминоти асосида ўтишининг кафолати бўлиб хизмат қилди.

— Демократия дастлаб фуқароларнинг шурида пайдо бўлади, — дейди Ўзбекистон нодавлат нотижорат ташкилотлари миллий ассоциацияси ходими Анвар Яш-нарбеков. — Кузатишларимизга кўра, ҳамюртларимиз жиддий ма-салалар ҳақида хулоса чиқариш, кўпнинг манфаати билан боғлиқ ишлар бўйича фикри, муноса-



Шуҳрат РАҲИМОВ олган суратлар

бати, позициясини билдиришда бунинг жавобгарлигини чуқур ҳис қилиб, мулоҳазакорлик билан ёндашадилар, таъбир жоиз бўлса, етти улчаб бир кесадиладар. Сайлов куни бунга яна бир қарра амин бўлдим. Мен ҳам қатъий қарорга келишдан аввал номзодларнинг дастурий мақсадларини ўрганиб чиқдим, тақдиримиз, атрофликча мушоҳада юритдим. Ниҳоят, сайловда ўзим танлаган номзодга овоз бердим. Бу шунчаки фуқаролик ҳуқуқимдан фойдаланиш эмас, балки эл-юрт манфаати йўлида қуйиб-ёнадиган оқил номзоднинг давлат бошлиғи бўлиб сайланишига ҳисса қўшиш дегани. Номзодлар билан учрашувларда қатнашганим, уларнинг дастури билан чуқур танишганим тусалар ишонч билан овоз бердим. Бунда ўз мустақил фикримдан келиб чиқиб, ҳолис муносабатимни,

хоҳиш-истакларимни эркин равишда билдирдим. Сиёсий партиялар кузатувчилари сайловнинг қонунларимизга мувофиқ, адолатли йўсинда ўтказилишига муносиб улуш қўшди-лар.

— Сайловга юқори даражада тайёргарлик қўрилган. Унинг очкичи билан адолатли ўтиши учун барча нарса ҳозирланган, — деди биз билан суҳбатда партияимиздан 232-сайлов участкасига кузатувчи сифатида бириктирилган Наргиза Мавлонхўжаева. — Ушбу сайлов участкасига ҳам Президентликка номзодларнинг таржимаи ҳоли, дастурлари хусусида тўлиқ маълумот бор. Кексалар, имкониятлари чекланган кишилар, ёш болали оналарнинг овоз беришлари учун қулай шарт-шароит яратилган. Биринчи марта овоз бераётган ёшлар ўртасида кенг қўламли ту-

шунтириш ишлари олиб борилганлиги сезилди. Умуман, аҳоли юксак даражада фаоллик кўрсатди. Овоз бериш ва сайлов янқунари бўйича хулоса чиқариш билан боғлиқ жараёнда бевосита иштирок этдим. Қонунбузилиш ҳолатларини кузатмадим. Комиссия аъзолари ва бошқа ходимлар сайлов қонунчилигидан тўла хабардор. Бу ерда сайлов юқори профессионал даражада ташкил этилди.

— Истиқлол йилларида юртимизда хотин-қизларнинг ҳуқуқ ҳамда манфаатларини таъминлаш ва ҳимоя қилиш, уларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш масалаларига катта эътибор берилди, — дейди O'zLiDeP Қорақалпоғистон Республикаси ошқорчи Аёлларнинг сиёсий фаоллиги, жамиятдаги ўрни ва ролини ошириш бўлими мудири, Жўқорғи Кенгес депутаты Айжамоп Юсупо-

ва. — Сайловда ана шу оқилона сиёсат самаралари намоён бўлди. Опа-сингилларимизнинг сиёсий-ҳуқуқий савияси ва маданияти 10-15 йил илгаригига қараганда анча ўсган. Улар жамиятда кечаётган жараёнларнинг фаол иштирокчиси айланди. Сайловда аёллар ўзлари мақбул деб ҳисоблаган номзодни қўллаб-қувватладилар. Сайлов участкасига борганимизда, хотин-қизларимизнинг кўпчилиги, уларнинг кайфиятидаги кўтаринкиликни кўриб, ҳурсанд бўлдим.

Бир сўз билан айтганда, сайлов очкичлик, ошқоралик, адолат-лилик ва тенглик тамойилларининг амалдаги намоёиши бўлди. Буни нафақат ортодошларимиз, балки халқаро кузатувчилар ҳам бирдек эътироф этишмоқда.

Озод РАҲАБОВ,
Бехозд ИСРОИЛОВ.

Юксак савия ва уюшқоқлик

Давоми. Бошланиши 1-саҳифада ▼

2015 йил — Кенсаларни эъзозлаш йили деб эълон қилинганида оддий пенсия сифатида бу юрда ёши улугларга кўрсатилаётган эҳтиромдан яна бир бора кўнглим кўтарилди. Шундан келиб чиққан ҳолда сайловда ўзимнинг, фарзандларим ва невараларимнинг, шу гўзал Ватаннинг эртаси, тибқ келажагини ўйлаб Ислон Каримов номзоди учун овоз бердим.

Наманган. 29 март куни эрталабдан вилоятнинг тоғолди туманларида этни жунктириувчи водий шамоли эсиб, ҳаво ҳарорати бирдангила тушиб кетган бўлса-да, сайловчиларнинг ўз ҳуқуқларига оқилона фойдаланишларига заррача таъсир кўрсатмади. Аксинча, Ватан тақдирига бефарқ бўлмаган ёшу қари муҳим сиёсий жараёнда хоҳиш-иродасини эркин ифода этиш учун сайлов участкалари томон келаверди.

— Юртимиз тарихида яна бир янги саҳифани очган тадбирда фаол иштирок этиш мақсадида сайлов участкасига оила аъзоларим билан бирга эрта тондан етиб келдик, — дейди Поп ноғиронлар мурувват уйи бош шифокори ўринбосари, O'zLiDeP аъзоси Моҳинисо Маърупова. — Бизни илқ кутиб олишди. Шахсан ўзим партияимиздан кўрсатилган номзод — Ислон Каримовга овоз бердим! Ваҳоланки, жаҳон миқёсида молиявий-иктисодий инқироз давом этаётган бир пайтда Юртбошимиз томонидан олиб берилган оқилона сиёсат туфайли Ватанимиз иқтисодиёти барқарор ривожланиб бормоқда. Соғлиқни сақлаш тизими алоҳида эътибор қаратиляпти. Хусусан, илғари туманимизда битта марказий поликлиника фаолият кўрсатган бўлса, ҳозир ҳудудда аҳолига хизмат кўрсатаётган оилавий поликлиника ва хусусий клиникалар сони олтигача етди. Ўзим меҳнат қилаётган мурувват уйдаги даволанувчилар йил давомида бепул дори-дармон, озиқ-овқат билан таъминландилар. Нуруний онахонлару ота-хоналаримиз санаторийларда ҳеч қандай тўловларсиз дам оладиган бўлдилар.

Сирдарё. Вилоятнинг шу номдаги туманида ташкил этилган 185-сайлов участкасига биринчилардан бўлиб Самадхон Якубов ўз оиласи аъзолари — турмуш ўртоғи Рузигул, қизи Йрода, ўғли Самижон ҳамда келини Дилшода билан келди.

— Халқимизнинг ижтимоий-сиёсий онги, ҳуқуқий маданияти тобора ошиб бормоқда, — дейди С.Якубов. — Бу ўтган йили маҳаллий кенгашларга ўтказилган сайловда ҳам, бўлиб ўтган Президент сайловда ҳам яққол намоён бўлди.

— Президент сайловда биз ҳам оиламиз аъзолари — турмуш ўртоғим Нурина, фарзандларим Баҳром, Баҳодир, Камола ҳамда келиним Саодат билан қатнашдик, — дейди 75 ёшли Худойберди ота Эгамбердиев. — Ҳаммамиз мамлакатимиз ва халқимиз келажаги учун қайғурадиган, тинчликимизни таъминлай оладиган ва ўзимиз муносиб деб топан номзод учун ўз овоз бердик.

Самарқанд. Вилоятда бўлиб ўтган овоз бериш жараёни сиёсий партиялар томонидан қўйилган 3 минг 800 дан зиёд кузатувчи, қарийб 60 нафар маҳаллий ва хорижий ОАВ вакили, 20 дан ортиқ халқаро ташкилотлар вакили ҳамда чет эллардан келган 75 нафар кузатувчи иштирокида ўтди.

— Сайловчиларнинг овоз бериш жараёнида жуда фаол қатнашганига гувоҳ бўлдик, — дейди Озарбайжон Республикаси давлат башқаруви академияси илмий тадқиқотлар маркази директори Элман Носиров. — Менда айниқса сайловчилар учун тахт қилиб қўйилган оналар ва болалар, тиббиёт хоналари катта таассурот қолдири. Бундан аввал кўплаб юртларда бўлиб, сайловларида қатнашганим. Аммо кўп жойларда сайловчилар учун бундай шароитлар яратилмаган. Ишонамани, халқимизда ўз келажагини танлашда адашмади.

Сурхондарё. Сайловга тайёргарлик жараёнида вилоятда ташкил этилган 708 та сайлов участкасига сайловчиларнинг ўз хоҳиш-иродасини эркин ифода этиши учун етарли шароит яратилиб, номзодларни таништиришчи плакатлар, замонавий алоқа воситалари, овоз бериш кабиниси, комиссия аъзоларининг фаолият юритиши учун компьютер билан таъминланди. Тиббиёт, она ва катта хоналари замонавий усулда жиҳозланди.

Умуман олганда, юртимизнинг порлоқ келажагини таъминлайдиган ушбу ижтимоий-сиёсий тадбирда 1 миллион 400 мингга яқин сурхондарёлик сайловчи Конституцияимизда белгиланган ҳуқуқини эркин ифода этди. Уларнинг 8 минг нафардан ортиғи сайловда биринчи марта иштирок этаётган ёшлардир. — Эрта тонгда Термиз шаҳридаги сайлов участкаларида бўлиб, Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини диққат билан кузатдим, — дейди россиялик кузатувчи Тигран Мкртчичев. — Яратилган шароит ва қулайликлар, сайловчиларнинг фаол иштироки мамлакатимизда муҳим сиёсий тадбирга қўнун дорисига халқаро андозаларга мус тайёргарлик қўрилганини яққол намоён этмоқда. Сайлов участкаларига фуқаролар уюшқоқлик билан ташриф буюриб, эмин-эркин овоз бераётгани, бу жараёни сиёсий партиялар вакиллари эътибор билан кузатиб тургани менда катта қизиқиш уйғотди.

Тошкент вилояти. Худудда ташкил этилган сайловда 1 миллион 727 минг 822 сайловчи иштирок этиб, уларнинг 12 минг нафари шу куни биринчи марта овоз берди.

— Бу галги сайловда O'zLiDePдан кузатувчи сифатида иштирок этаётган, — дейди Бонухон Бердалиева. — Инглиз тилини яхши билганим боис зарурат туғилганда хорижий кузатувчилар билан эркин мулоқотда бўлдим. Айниқса, сайловда биринчи бор иштирок этган ишончли эллик кузатувчилар билан уларнинг тилларида мулоқотда бўлгани меҳмонларни хайрон қолдириди. 782-сайлов участкасига О'zLiDePдан кузатувчи «Қорасу» ва «Маърифат» кишлоқ фуқаролар йиғинлари аҳолиси эрталаб соат 6.00 дан кела бошлади.

Вилоятдаги мавжуд 872 та сайлов участкасига Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови кўтаринки руҳда, амалий ташкилотчилик тажрибасига эга шижоатли инсонлар эканлиги алоҳида таъкидланган. Мен ана шу ўз меҳнати, иродаси ва куч-ғайрати билан фаровонликка эришаётган, ўз келажагини шу замин билан чамбарчас болаган, ўзи ҳамда фарзандлари тақдирини Ватан тақдирини тасаввур эта олмайдиган, жамиятда барқарорлик ва ҳам-жиҳатликини мустаҳкамлашда масъулиятни теран ҳис этадиган кишилар қаторида эканим, сайловда ўзим танлаган муносиб номзодга овоз берганим билан фархланаман!

Хоразм. Урганч шаҳридаги 45-сайлов участкаси комиссияси раиси М.Ўрозметованинг таъкидлашича, маъзур сайлов участкасига жами 1737 нафар сайловчи рўйхатга олинган бўлиб, уларнинг 4 нафари мuddатидан аввал овоз берди. 18 сайловчи сайловда биринчи марта иштирок этган бўлса, 12 нафар кекса сайловчи кўча кўчи асосида овоз бериш имконияти яратилди.

— O'zLiDeP фаолигани, — дейди сайлов участкасига биринчилардан бўлиб келган Нигора Қўшоновна. — Партияга мансублигимни бежиз таъкидлаётганим йўқ. Чунки бизнинг партияимиз таъсис этилган кундан бошлаб давлатимизнинг юксак раънақи, кучли фуқаролик жамиятининг шаклланиши учун жон қўйди-моқда. O'zLiDeP мулк эгалари бўлган ўрта синф вакиллари — тадбиркорлар ва ишбилармонлар, фермерлар, кичик бизнес ва хизмат кўрсатиш соҳаси ходимлари манфаатларини ифода этди. Партиянинг сайловдаги дастурида бу қат-лар вакиллари мамлакатнинг моддий ва маънавий бойлиқларига бойлик қўшадиган, кучли фуқаролик жамиятининг мустаҳкам таянчи ва ишончли суянчи, ислохотларнинг ҳаракатлантирувчи кучи, амалий ташкилотчилик тажрибасига эга шижоатли инсонлар эканлиги алоҳида таъкидланган. Мен ана шу ўз меҳнати, иродаси ва куч-ғайрати билан фаровонликка эришаётган, ўз келажагини шу замин билан чамбарчас болаган, ўзи ҳамда фарзандлари тақдирини Ватан тақдирини тасаввур эта олмайдиган, жамиятда барқарорлик ва ҳам-жиҳатликини мустаҳкамлашда масъулиятни теран ҳис этадиган кишилар қаторида эканим, сайловда ўзим танлаган муносиб номзодга овоз берганим билан фархланаман!

Қашқадарё. Вилоятдаги 867 та сайлов участкасига муҳим сиёсий жараён юксак уюшқоқлик, миллий қўнунчилигимиз ва демократик тамойиллар асосида ташкил этилди.

— Бугун овоз мамлакатимизда амалга оширилаётган ислохотлар марказида инсон олий қадрият сифатида баҳоланаётганлиги мени яшашга ундаб келмоқда, — дейди меҳнат фахрийси Светлана Славяк. — Кўп йиллардан буён тўшақда етиб қолган бўлсам-да, ҳеч қачон ўзимни ҳимоясиз ва ёлғиз сезмайман. Мутасадди ташкилотлар менга моддий ва маънавий ёрдам бериб туришибди. Сайловда ҳамма қатори иштирок этишим учун шароит яратиб берилди. Участка сайлов комиссиясининг бир неча аъзоси уйимга барча ҳужжатлар ва кўча кутини олиб келишди. Мен осойишталик ва барқарорлик, нури хайёт учун овоз бердим.

Бир сўз билан айтганда, вилоятда сайлов жараёни очкич-ошқора, демократик тамойилларга мос уюшқоқлик ва шаффоқлик билан ўтиши таъминланди.

Янада улкан ғалабаларни кўзляяпман



Руслан НУРИДДИНОВ,
огир атлетика бўйича
жаҳон чемпиони:

— Мустақилликнинг дастлабки йилларида нома-лакатиимизда барча соҳалар қатори спортга катта эътибор қаратилганлиги янгидан-янги ютуқларга замин бўлди.

Спорт — миллат танла-майди. Халқимизнинг кўплаб иқтидорли, асл фарзандлари жаҳон ареналарида ўз им-кониятларини тўла намоён этиб, ўзбек шаъни ва номини улугламоқдалар. Бу билан ҳар қанча фахрлансак арзий-ди.

Кейинги йилларда спорт лабки йилларида нома-лакатиимизда барча соҳалар қатори спортга катта эътибор қаратилганлиги янгидан-янги ютуқларга замин бўлди. Спорт — миллат танла-майди. Халқимизнинг кўплаб иқтидорли, асл фарзандлари жаҳон ареналарида ўз им-кониятларини тўла намоён этиб, ўзбек шаъни ва номини улугламоқдалар. Бу билан ҳар қанча фахрлансак арзий-ди.

под» ва Универсиада баҳсла-ри, жойларда барпо этила-ётган замонавий иншоотлар эзгу мақсадга — ёш авлодни баркамол инсонлар этиб тар-биялашга йўналтирилганлиги билан қадрлидир.

Ўзимдан киёс. Яратилган қулай шарт-шароитлар ту-файли спортнинг оғир атле-тика бўйича жаҳон чемпиони унвонига сазовор бўлдим. Ҳо-зирда ҳам нуфузли халқаро мусобақаларда фаол қатна-шиб келмоқдаман. Маънавий

рағбат спортчига куч-қувват бағишлайди. Буни амалий тажрибадан яхши биламан. Сайлов участкасига келар эканман, ҳаёлимдан шундай фикрлар ўтди: ёшман, ҳали Ватаним, халқим олдида қи-ладиган ишларим кўп. Шун-дай экан, соҳа вакилларидан бири сифатида келгусида янада улкан ғалабаларни кўзлаб, O'zLiDePдан кўрса-тилган номзод, спортчилар-нинг тоғдек таянчи Ислон Ка-римов учун овоз бердим.

Илк бор овоз бердим



Дилижавоҳир НАБИЖОНОВ,
Тошкент давлат иқтисодиёт
университети талабаси:

— Ўзбекистон Республи-каси Президенти сайло-ви кунда конституциявий ҳуқуқимдан фойдаланиб, барча тенгдошларим қатори мен ҳам ўз хоҳиш-иродамни билдирдим. Бу катта шараф, юксак масъулият эканлиги-ни яхши тушунаман. Зеро, навбатдаги сайлов ва унинг натижалари мамлакатимизнинг кейинги тараққиёт йўлини белгилашда ҳал қи-лувчи аҳамиятга эгадир. Шу

маънода 2015 йил 29 март ҳаётимда унутилмас кун бў-либ қолади.

Жамиятимизда маънан етук, жисмонан соғлом авлод-ни камол топтиришга тобора катта эътибор қаратилмоқда. Бу, шубҳасиз, келажак ман-фаатлари билан чамбарчас боғлиқдир. Ўзбекистон Респу-бликаси Президенти сайлови-да ёшларнинг кенг иштироки эса уларнинг ижтимоий фа-оллиги ошиб, фуқаролик по-

зицияси тобора мустаҳкамла-наётганидан далолат беради.

Чиндан ҳам, навқирон авлод вакилларининг демо-кратик ислохотларни чуқур-лаштириш, турмуш мада-нияти ва фаровонлигини юксалтириш борасидаги ин-тилиш-изланишлари ҳақида ҳар қанча гапирсак оз. Улар юрт таянчи, миллат келаж-агидир.

Биз жойларда ташкил этилган тарғибот-ташвиқот

тадбирларида иштирок этарканмиз, миллий сайлов қўнунчилигига киритилган ўзгаришлардан тўла хабар-дор бўлдик.

Мана, Президент сайлови ниҳоясига етди. Кўнглимда фахр ва мамнуният туйғу-си жўш урмоқда. Чунки кў-плаб тенгдошларим қатори O'zLiDePдан кўрсатилган номзод, ёшларнинг чина-кам ғамҳўри Ислон Каримов учун овоз бердим.

эди, дейсиз. Сайлов кутилгани-дек кўтаринки руҳда ўтди. Ўзимга келсак, O'zLiDePдан кўрсатилган номзод Ислон Каримовга овоз берар экан-ман, ҳаётимиз келажакда янада тўқис ва фаровон бўлишига ишонч ҳосил қи-лдим. Зеро, Юртбошимиз-нинг кўп йиллик самарали фаолияти шундай дейишга тўла асос беради.

Дахлдорлик туйғуси



Замира НИҒМАТОВА,
«Ўздонмахсулотлари»
акциядорлик компанияси
ҳодими:

— Сайлов — масъулият-ли жараён. Биз шўро даври-даги сайловларни ҳам кўр-ганмиз. Ўшанда бу муҳим сиёсий кампания номига-гина ўтказилар, кўпчилик-нинг хоҳиш-иродаси ҳисобга олинмас эди. Истиқлол ту-файлигина ҳақиқий демо-кратик сайлов нима эканини англаб етдик. Эндиликда сайловда иштирок этиш, овоз беришни ёшу қари ўзи-нинг муҳим фуқаролик бур-

чи деб ҳисоблайди. Фарзан-дларим, набираларимнинг мамнунлигини айтмайсиз-ми! Демак, улар ҳам юрт ке-лажагига бефарқ эмас.

Ёшим 67 да. Ҳаётда кат-та тажрибага эга бўлсам-да, 29 март куни сайлов участ-касига ўзгача бир ҳаяжон билан қадам қўйдим. Чунки эртанги кунимиз, мустақил-лигимиз тақдири сайлов натижаларига кўп жиҳатдан боғлиқдир. Ахир, ким эдигу

ким бўлди? Биргина таълим тизимида амалга оширила-ётган кенг қўламли ислохот-ларни тасаввур қилинг. Мак-таб, лицей, коллеж ва олий ўқув юртларида яратилган замонавий шарт-шароитлар туфайли ўғил-қизларимиз ҳар томонлама комил ин-сон сифатида шаклланиб, ўз юрти ва халқига садоқат билан хизмат қилишмоқда.

Бизнинг давримизда бун-дай имкониятлар қаёқда

ҚИШЛОҚ МУЛҚДОРЛАРИ

«Арча бобо»нинг антиқа боғлари

Яккабоғ туманининг Ҳисор тоғ тизмаси ён-бағрида жойлашган Чуброн қишлоғига йўлингиз туша, Худойберди бобо Ярашев хонадонига кириб ўтинг. Бу ерда уни ҳамма танийди

Сайфулла ИКРОМОВ,
«XXI asr»

«Арча бобо» деб таъриф беришадиган бу инсон она юртимиз заминини дарахтзору боғларга айлантиришдек савобли ишларнинг ташаббускори сифатида эл эътиборини қозониб келаяпти.

Чубронда дарахт кўкармайти, дейишади. Аммо Ярашевлар хонадонидagi ям-яшил арчалар, тутзор ва тоқзорни кўриб, ҳайратингиз ошади. Бу мўъжиза «Арча бобо»нинг метин иродаси ва захматли меҳнатлари самарасидир. Тўқсон бир ёшли бобо турмуш ўртоғи Хушвақт момо билан 67 йилдан буён умргузаронлик қилиб келмоқда. Уларнинг фарзандлари, неваралари, чевара, звара ва дувараларини жамласа, яна битта қишлоқ ҳосил бўлади.

— Отам замонасининг тадбиркори бўлган, — дейди Х.Ярашев. — Шўро ҳукумати бечоранинг уйини тортиб олиб, кўчага хайдагандан кейин у хўрликларга чидамай ҳаётдан кўз юмган. Мени онам Олти момо тарбиялади. Олти ёшимда чўпонларга чўлиқ тушиб, қўй боққанман. Меҳнат ҳақиғамга кунига бир қоса қаттиқ билан битта зогора нон беришарди. Туманда иккита мактаб бор эди, холос. 10 чақирим масофани яёв босиб ўтиб, минг машаққат билан ўқиганман, десам ҳозирги ёшлар ишонмайди. Университетни битириб, 40 йил ўқувчилик қилдим. Директорлик вазифасини бажарган йилларимда мактаб ўқувчиларига уруғдан арча, қаламчадан атиргул, терак кўчатлари етиштиришни ўргатдим. Ниҳолларни чўл туманларидаги корхона ва ташкилотларга сотиб, тушган маблағни мактабни таъмирлаш, аълочи ўқувчиларни рағбатлантириш, турли мусобақаларни ташкил этишга сарфлардик.

Бир неча йил аввал

«Арча бобо» қишлоқдошларининг «қирда тут кўкартириб бўлмайти», деган гапларини йўққа чиқарди. Дастлаб ҳовлиси этагида оила аъзолари билан биргаликда 15 минг дона тут кўчатини кўкартирган бўлса, кейинги йил яна 20 минг дона ниҳолни тупроққа қадади. Оқар сув бўлмагани боис кўчатлар челақлаб суғорилди. Эндиликда бу тутзор қишлоқдошларига ипак кўрти учун озуқа базаси бўлиб хизмат қилмоқда. Эътиборлиси, шу тариха ҳовлиси атрофини тутзор, узумзор, арчазорга айлантирган Худойберди бобога ҳавас қилган кўни-кўшниллар ҳам кўчат эка бошладилар.

ОХ, ҚАНИЙДИ, ЁШ БЎЛИБ ҚОЛСАМ-У КАТТА ИШЛАРНИ ҚИЛСАМ, ДЕЙМАН. ҚУРИЛАЁТГАН МАКТАБЛАРНИ АЙТИНГ, УЛАРДАГИ ШАРОИТ ҲЕЧ БИР ЖОЙДА ЙЎҚ. БИЗ ҚИР ОШИБ, ПАСТАК ПАХСА ДЕВОРДАН БЎЛГАН ЗАХ БИНОДА ЎҚИР ЭДИК.

Бу ҳам ҳаммаси эмас. Баъзиларнинг иморат солишида ёғоч топишда қийналаётганини кўрган бобо Чуброн қишлоғи атрофида теракзор яратилган аҳд қилди. Терак серсув жойда ўсишини ҳисобга олиб, қаламчаларни қирларнинг орасида жойлашган дарага эқди. 6 гектар майдонда яратилган теракзор айни пайтда қишлоқ фуқаролар йиғини тасарруфига берилган бўлиб, маҳаллий аҳолининг эътибонини қондирмоқда.

— Томорқасида тўртта терак экиб қўйган одам фарзанди учун иморат кураман деганда бозорда пул кўтариб юрмайди, — дейди бобо. — Узиндан чиққанга нима етсин. Теракнинг бақа, мириза, чинни, қизил сарка каби турлари бор. Агар сифатли ишланса, теракдан тайёрланган буюм ҳеч қачон қийшаймайди, ёрилиб кетмайди. Терак озиқ-овқат маҳсулотлари сақланадиган ва қадоқланадиган мате-



риаллар ишлаб чиқаришда ҳам ноёб хом ашё ҳисобланади. Тез ўсувчи бу бўйдор дарахт мевали боғлар ва тоқзорларни гармселдан муҳофаза этади.

Бобо ёшлигида чорва молларини кўпайтириб, одамларга улашаман, деб орзу қилган экан. Нафақага чиққандан сўнг, ўн йил давомида хайрия тадбирларини ташкил этиб, шахсий чорва молларидан тумандаги болалар боғчалари, боқувчисини йўқотган, кам таъминланган оилалар, ногирон ва кескаларга икки бошдан совға қилди.

— Турмуш ўртоғим билан шунча йил яшаб, бирон марта чарчадиган деганини эслопмайман, — дейди Хушвақт момо. — Ҳовлимизда арча экиб, челақлаб сув қўйиб, керак пайтда сувни машинада олиб келиб кўкартирганимиз. Одамлар сизларга нима керак бунча ташвиш, дейишарди. Аммо чопим «мен қишлоғимда дарахт кўкари-

шини исботлайман», дея сел сувларини бошқариб, тутзор ва арчазорни суғорарди. Шунинг чевараларимга айтиб берсам, эртакка йўйишади. Майли, биз кўрган азоблар эртақ бўлиб қолсин, бугунги авлод ундай қийинчиликларни кўрмасин. Бугунги дориламон кунларнинг қадрига етиш керак.

Худойберди бобо қаерда ишламасин, ўзидан ажойиб боғ, ташаббускорлик, меҳнатсеварлик, бағрикенгликни мерос қолдириб келаяпти. Ота-хонинг юздан ортиқ шоғирди бор. У ишлаган мактабларда ўлкашунослик музейлари, кўчатчилик тўғарақлари ташкил этилган. Бобо тўқсонга кириб ҳам ёшларни миллий қадриятларимизга ҳурмат руҳида тарбиялаш, тадбиркорликка йўналтиришда яқиндан ёрдам бераётди.

— Отам нафақага чиққан, яна бир хайрли ишга кўл урди, — дейди 100-мактаб ўқувчиси Шокир Ярашев. — Ҳар бир фарзандига кўрамиздаги кўйлардан 20 бошдан берди. Шартга кўра, ким кўйларни асраб, бош сонини кўпайтирса, кўрада қолган қўй-қўзига эга чиқар эди. Акам билан укам кўйларни сотиб, рўзгор харажатларига ишлатиб юборди. Мен эса уларни кўпайтирдим. Отам ваъда-

сида туриб, ўзи учун олиб қолган кўйларни менга ҳада этди. Қураётган уйларимиз, қилаётган тўйларимиз мана шу чорванинг ҳисобидан бўлаяпти. Кўчатчиликни ҳам эплаямиз. Яқин йилларда қишлоғимизнинг номи «Арча қишлоқ»га айланса ажабланманг.

— Бугунги бахтли кунларни ота-боболаримиз бир умр орзу қилиб яшаган, — дейди Худойберди Ярашев ўзи эккан арчага суянганча. — Нима иш қилмоқчи бўлсанг, йўл очиб, бундай эркинлик ҳеч қачон бўлмаган. Тадбиркорлар қилаётган ишларини кўриб, дилим яйрайди. Ох, қанийди, ёш бўлиб қолсам-у катта ишларни қилсам, дейман. Қурилаётган мактабларни айтинг, улардаги шароит ҳеч бир жойда йўқ. Биз қир ошиб, пастак пахса девордан бўлган зах бинода ўқир эдик. Истиклолни асраш, юрт равнақи, эл бахти учун жонни фидо қилсанг арзийди.

Ана шундай йўналиш Худойберди бобо. Тўқсондан ошса ҳамки, тиним билмайди. Ҳамон бақувват, бардам ва тетик. Ёшлардан қимматли маслаҳатларини сира аямайди. Бу инсоннинг ҳаёт йўли юртдошларимиз учун ибрат мактаби, десак муболаға қилмаймиз.

Вобкент туманида ишнинг кўзини биладиган қишлоқ мулкдорлари талайгина. Улар раҳбарлигидаги «Хусан Болта замини», «Қаландар-Ойбек», «Ҳайдар Али», «Шавкат-98», «Шукур Карим», «Эшмуродов Бекмурод» фермер хўжаликлари пахта ва ғалладан йил сайин мўл ҳосил етиштириб, туман иқтисодийтини ривожлантиришга муносиб ҳисса қўшишмоқда. Яратилган қулай шарт-шароит ва имкониятлар эса бу борада муҳим омил бўлаяпти.

Тошпўлат ШУКУРОВ:

«Барчамизни ер боқади»

Асқор ИСТАМОВ,
«XXI asr»

«Тошпўлат» фермер хўжалиги раиси Тошпўлат Шукуровнинг ҳам қишлоқ мулкдорлари орасида ўз ўрни, обрў-эътибори бор. Унинг оиласини Имомқоziхон қишлоқ фуқаролар йиғинидан ташқари ҳам кўпчилик ҳурмат билан тилга олади. Бу бежиз эмас. Зеро, хонадон аъзолари янгиликка интилиши, ҳалоллиги ва меҳнатсеварлиги билан ажралиб туради.

Мева-сабзавотчилик ва узумчилик йўналишида таълим олган Т.Шукуровнинг таржimai ҳоли ҳам ибрат олда аризуғлик. Мана, 45 йилдириқ, ер билан «тиллашади». Утган йиллар давомида назарий ва амалий жиҳатдан бой тажриба тўплади. Суяги деҳқончиликда хотини учун муостақилликнинг дастлабки давридаёқ «Тошпўлат» фермер хўжалигига асос солган.

— Фаолиятимизни бошлаганимизда тасарруфимизда атиги 16 гектар ер майдони бор эди, — дейди Т.Шукуров. — Шунинг 8 гектарида пахта ва ғалла етиштирилган, қолгани боғ-чорбоғдан иборат эди. Вақт ўтган сари мевали ва манзарали дарахт кўчатлари кўпайтира бошладик. Шу тариха узум, шафтоли, анор, ўрик, олма ва бошқа ким мева-чевалар салмоғи орта борди. Агар 1994 йилда атиги минг тул дарахт ниҳоли парварши қилинган бўлса, бугунги кунга келиб уларнинг сони 2,5 мингга етган. Ҳосилдорлик ҳам

шунга яраша. 2013 йилда эл дастурхонига 30 тонна сархил мева-чева етказиб берган бўлсак, бултур ҳосил салмоғи 36 тонналик тош босди. Чиндан-да ерга меҳр кўрсатиб, кам бўлмаганми. Барчамизни ер боқаётди.

Асосан пахтачилик ва ғаллачиликка ихтисослашган фермер хўжалигида қатъий меҳнат интизоми йўлга қўйилган. Эришилаётган ютуқлар замирида жамоа аъзоларидан Азим Шарипов, Ҳикмат ва Рамз Султонов, Зулфия Саидова, Зулайхо Азимованинг салмоқли ҳиссаси бор. Улар бугунги ишни эртага қолдиришмайди. Илгари пахта ҳосилдорлиги гектарига 26 центнердан ошмаган бўлса, 2014 йилга келиб 40 центнерга етказилди. Давлатга салкам 90 тонна сифатли хом ашё сотилди. Бу 2013 йилга нисбатан 12 тоннага кўпдир. Хўжалик ғаллакорларининг ҳам шашти баланд. Ялли хирмон 61 тоннани ташкил этди. Жамоа аъзоларининг ҳар бирига 2,5 тоннадан сара дон берилиб, ҳалол меҳнат самараси дастурхон тўқинлиги, турмуш фаровонлигида яққол намоён бўлмоқда.

Бугунги кунда кўп тармоқли фермер хўжалиги қолипли нон тайёрлашга ихтисослашган чехига эга. Бир кеча-кундузда 1000 тагача нон истеъмолчиларга етказиб берилаяпти. Айниқса, Имомқоziхон, Қалтимаҳалла, Халач, Шехон номли қишлоқ ва маҳалла фуқаролар йиғинларига яшовчи аҳоли бундай қулайликдан мамнун.

Асаларичилик ва чорвачиликка йўналтирилган тармоқлар фаолияти ҳам тобора кенгайтирилмоқда. Жумладан, 30 та асалари уяси, 10 бош қорамол, 6 бош соғин сигир хўжалик даромадининг қўшимча манбаи эканлигини айтмаса ҳам бўла-

ди. Меҳнатдан келса бойлик, турмуш бўлар чиройлик, деганларича бор. 2013 йилда биргина пахтачиликнинг ўзидан 82 миллион сўм даромад олинган эди. Шунинг 38 миллион сўми соф фойдадир. 2014 йилда ушбу кўрсаткичлар мутаносиб равишда 95 ва 40 миллион сўмни ташкил этди. Урни келганда қишлоқдаги эътижманд

оилаларга кўрсатилаётган ёрдам ҳақида ҳам тўхталиб ўтиш жоиз. Жумладан, Имомқоziхон ҚФЙдаги поликлинника хўжалик ҳисобидан таъмирлаб берилди. Мактабгача таълим муассасаларидан бир нечаси сут ва сут маҳсулотлари билан таъминланаётди. Турли байрам ва қўтлуг саналарга бағишлаб ўтказиладиган тадбирларни молиявий қўллаб-қувватлаш ҳам эътибордан четда қолаётгани йўқ.

Тошпўлат Шукуров умр йўлоши Манзура Ғуломова билан уч ўғил, бир қизни эл корига ярайдиган билимли, фидойи ва эътиқодли қишлоқ қилиб волега етказишди. Ҳозир умр ҳаётда муносиб ўринларини топишган. Шириндан-шаклар неваралар эса оиланинг бахти ва қувончидир. 2015 йил бу серфайз хонадон учун янада кут-барақали келиши аниқ. Қишлоқда намунавий лойиҳа асосида қурилган, барча қулайликларга эга бўлган янги уйлардан бири уларга ажратилган. Айни пайтда оила янги жойга кўчиб ўтиш тараддудини кўрмоқда.

— O'zLiDeP Сайловли дастурида тадбиркорлик ва фермерлик ҳаракатини янада кенгайтириш, қишлоқда реал мулкдорлар синфини шакллантириш асосида агроаноат тизимни диверсификация қилиш ва ривожлантириш масалаларига алоҳида урғу берилган, — дейди тажрибали фермер, халқ депутатлари туман кенгаши депутати Т.Шукуров. — Зеро, қишлоқ хўжалигини тубдан ислоҳ қилмай туриб, юксак турмуш маданияти ва фаровонлигига эришиб бўлмайди. Партиямиздан сайланган барча даражадаги депутатлар ана шу ҳаётини ҳақиқатни теран англаб, ўз бурчаларига чуқур масъулият билан ёндашишлари лозим.

Яхшилик дарахтининг тотли неъмат

Замон билан ҳамнафаслик каттақўрғонлик фермер, O'zLiDeP фаоли Исомиддин Тиллаевнинг ҳаётини тамойили. У биринчилардан бўлиб ота-боболари тер тўккан ерларда фермерлик фаолиятини бошлади

Муҳаббат РАВШАНОВА, «XXI asr»

«Шаҳбоз» фермер хўжалигига асос солди. Ихтиёридаги 30 гектар унумсиз ерни ҳосилдор заминга айлантиришга қатъий бел боғлади. Унинг эзгу нияти амалга ошди. Ёши улғу бўлса-да, ғайрат-шижоати йиғитларниқидан қолшмайдиган фермер пахта ва дон етиштириш бўйича режаларини ортинг ишда удалади. Айтайлик, дастлабки йилларда пахтанинг ҳар гектаридан 25, ғалладан 35 центнердан ҳосил олинган бўлса, бугунги кунда мазкур кўрсаткичлар мос равишда 35-38 ва 65-70 центнерга етди. Эътиборлиси, деҳқончилик билан чекланиб қолмасдан, янги-янги режалар тузиб, маиший хизмат ҳамда автомобилларга техник хизмат кўрсатиш шохобчаларини барпо этапти.

Қишлоқ мулкдорининг айтишича, мамлакатимизда инсон ва унинг меҳнати қадрланаётгани, одамларнинг салоҳияти рўёбга чиқиши учун кенг имкониятлар яратилаётгани унинг кучига куч, ғайратига ғайрат қўшмоқда.

— Энг муҳими, элимизга нафимиз тегапти, — дейди у. — Бу эса бизга кўрсатилаётган эътибор ва яратилаётган қулайликлар тўғайлидир. Яхши амаллардан эса фақат яхшилик унишига яна бир бор амин бўлдим.

Бир неча йил илгари барча майдонларнинг шўри қочирилди. Натажада биргина бизнинг ерларимиздаги унумдорлик пахтада 15, ғаллада 20 центнерга ошди. Даромаднинг ҳам шунга яраша кўпайди. Ҳозир экин майдонларининг 100 гектардан

ошиқроқ, Бора-бора кўп тармоқли хўжаликка айландик. Қорамолчилик, паррандачилик ҳам муҳим йўналишларимизда. Улар йўлга қўйилганидан бери ўндан ортиқ доимий иш ўрни яратилди. Хўжалигимизда ўн йил аввал O'zLiDeP бошланғич ташкилоти тузилган. Ҳозир БПТга ўғлим Акмал етакчилик қилаяпти. Бугунга келиб маслақдошларимиз 30 нафарга етди. Хайрли ишларга бош-қош бўлиб, партиямиз мавқе-нуфузининг янада ортишига баҳоли қудрат хисса қўшишга ҳаракат қилаялмиз.

И.Тиллаев халқ депутатлари Каттақўрғон туман кенгашига икки марта депутат этиб сайланди. Сайловчилар унга ишонч билдирдилар. Зеро, у кўплаб муҳим масалаларни ҳал этишда жонбозлик кўрсатган. Айни кунларда томорқа ерларининг суғорилиши масаласи бўйича изланаёпти. Ечим топилса, томорқалардан фойдаланиш унумдорлиги кескин ортади. Шунингдек, ёшлар учун спорт майдончаси қуришга доир ишлар билан ҳам астойдил шуғулланыпти.

— Бугун дилига эзгуликни тугиб, олға интилган кишига барча имкониятлар эшиклари очиб, — деди суҳбатдошимиз. — Фарзандларим олий ўқув юртида таълим олиб, яхши мутахассис бўлиб етишдилар. Эл-юртга тўй-томашлар бераёламиз. Мухтасар айтганда, хонадонимга файз-баракат кирди. Орзуларим ушалди. Меҳнатдан роҳат топдим. Буларнинг бари мустақилликнинг, таъбир жоиз бўлса, заминимизга тобора чуқур илдиз отиб, барқ уриб ўсаётган эзгулик, яхшилик дарахтининг тотли неъматларидир.

Зиёдулла МЎМИНОВ,
«XXI asr»

— Бошқа соҳалар қатори аграр тармоққа катта эътибор қаратилаётгани натижада деҳқончилик маданияти юксалиб, ердан оқилона фойдаланиш даражаси яхшиланиб бораёпти, — дейди Чиноз туман Фермерлар кенгаши раиси Улугбек Усмонов. — Масалан, кейинги йилларда туманимизда пахтачиликда ҳосилдорлик ўртача 5-6, ғаллачиликда эса 15 центнерга ошди. Аввал гектаридан ўртача 1-1,5 миллион сўм даромад кўрган деҳқонларимиз ўтган йили бу кўрсаткични 3-4, айримлари 5-6 миллион сўмга етказди. Кўп тармоқли фермер хўжаликлари бундан ҳам яхши натижаларга эришмоқда. Улар хориждан келтирилган мини-технологиялар асосида чорвачилик ва қишлоқ хўжалик маҳсулотларини қайта ишлашни йўлга қўйиб, хизмат кўрсатишни ҳам ташкил этишмоқда. Шижоатли фермерлар ёш мутахассисларнинг

Азму шижоат маҳсули

Бугунги кунда Тошкент вилоятида олти мингдан ортиқ фермер хўжалиги фаолият кўрсатаётган бўлиб, улар деҳқончилик, боғдорчилик, узумчилик, чорвачилик, балиқчилик ва бошқа соҳаларга ихтисослашган. Қишлоқ мулкдорларига хизмат кўрсатувчи инфратузилма яхши йўлга қўйилгани, тижорат банклари имтиёзли кредитлар ажратаётгани боис вилоятда ҳар йили юқори ҳосил олинмоқда

билими ва кучига таяниб иш кўрмоқда. Бинобарин, айнан уларнинг янгица дунёқароши сабаб аграр тармоққа маркетинг тушунчаси кириб келди.

— Мамлакатимизда фермерлар учун кенг имкониятлар яратилмоқда, — дейди тумандаги «Тўхтабой ота набиралари» фермер хўжалиги раҳбари Султон Агманов. — Жамоа хўжалиги даврини ҳам кўрдик, мустақиллигимизнинг дастлабки йилларида учраган қийинчиликларни ҳам енгиб ўтдик. Юртбошимиз айтганларидек, халқимизнинг бир тан, бир жон бўлиб иш юритиши боис бугунгидек юксак марраларга эришдик. Жойларда касаначилик йўлга қўйилди. Шу тариха аҳоли уйда ўтирган ҳолда ишлаб, даромад топапти. Хўжалигимиз 2006 йили ташкил этилган. Ҳозир 157 гектар экин майдонимиз бор. Таърибали мутахассисларимизга қоллежда ўқиб юрган пайтидаёқ амалиётга тортилган 10 нафар йиғит-қиз яқиндан ёрдам бераётди.

Ишлар тартиб билан ташкил этилган, манфаатдорлик ҳам шунга яраша бўлиши аниқ. Хусусан, ўтган йили 80 гектар ердан қарий 600 тонна ғалла йиғиштириб олдик. Шартнома режасини бажаргандан сўнг ўзимизда 100 тоннадан ортиқ дон қолди. 77,5 гектар ерда етиштирилган пахта ҳосилдорлигини ўртача 40 центнерга етказдик. Ўзимизга етарли тракторлар, машина-механизмларимиз бор. Ишончим комилки, яқин йилларда фермерларнинг барчаси машина-трактор паркига эга бўлади. Чунки замон шуни тақозо этаёпти.

Ўз навбатида туманда айни кунда 148 та фермер хўжалиги фаолият кўрсатаётгани, жорий йилда уларнинг тўрттасида балиқчилик, тўққизтасида интенсив боғ, 80 тасида сабзавотчилик, 34 тасида эса сервис хизматлари, паррандачилик, асаларичиликни йўлга қўйиш режалаштирилаётганини айтиб ўтиш керак.

Банклардан ажратилган маблағлар эвазига фаоли-

ятларини кенгайтираётган чинозлик қишлоқ мулкдорлари ҳақида сўз юритар эканмиз, «Дилғиё-Файз-Барака» фермер хўжалигининг 600 миллион сўмлик кредит ҳисобига сутни қайта ишлаш лойиҳаси устида иш олиб бораётганини айтиб ўтиш мумкин. «Усмонобод», «Ўринбойхожи» фермер хўжаликлари эса молиявий муассасалар маблағлари асосида чорвачиликни йўлга қўйиш ниётида. Умуман олганда, Чинозда 10-15 сотих ери, 5-6 бош қорамол, кўй ёки паррандаси бўлмаган бирор хонадонни учратмайсиз. Туманда ўз томорқасидан икки, ҳатто уч мартагача ҳосил олиш орқали яхшигина даромад қилаётган, замонавий уйларни қураётган аҳоли сони кўпайиб бораётгани қувонарли ҳол, албатта.

Бу эса юртимизда эркин ишбилармонлик муҳитининг яратилгани, юртдошларимиз бугун кечагидан яхшироқ яшаётгани, эртага эса бугунгидан ҳам фаровон ҳаёт кечиришига ишонаётганидан далолатдир.

Кўптармоқлилар кўпаймоқда

Президентимизнинг 22 октябрдаги «Ўзбекистонда фермерлик фаолиятини ташкил қилишни янада такомиллаштириш ва уни ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисидаги фармони ижроси доирасида Сирдарё вилоятида фермерлар малакасини ошириш, уларнинг хорижий давлатлар таърибаларини ўрганишлари учун қулай шароит ва имкониятлар яратиб берилмоқда. Хусусан, ўтган йилнинг ўзига 70 нафардан зиёд сирдарёлик фермер Германия, Хитой, Австралия, Франция, Латвия каби мамлакатларда бўлиб, у ердаги илгор иш усулларини ўрганиб қайтишар. Эътиборлиси, ўрганганларини амалиётда қўлланадиганлигида ўтган икки йил ичида вилоятда 1400 дан ортиқ фермер хўжалиги кўптармоқли субъектларга айлантирилди. Айни пайтда улар томонидан аҳолига турли йўналишлар бўйича хизмат кўрсатилмоқда. Мева-сабзавот маҳсулотларини қайта ишлаш, ихсиҳонга қуриш, паррандачилик хўжаликларини ташкил қилиш, чорвачилик ҳамда балиқчиликни йўлга қўйиш учун янги техника ва технологияларни сотиб олишни мақсад қилган фермерларга тижорат банклари томонидан жами 12 миллиард сўмдан зиёд миқдорда кредит ажратилди. Ана шундай маблағлар ҳисобига Бобўт туманидаги «Ҳанберди самараси» фермер хўжалигига Европадан 100 бош ғўнажи олиб келинди. Келгусида бу ерда насли моллар бош сонини янада кўпайтириш ва сутни қайта ишлаш чехини қуриш орқали янги иш ўринлари ташкил этиш режалаштирилмоқда.

Дилора ЭСОНОВА.

«XXI ASR» 14 (594)-son, e-mail: xxi_asr@mail.ru

Амалий ишларга кўчган ташаббуслар

О'zLiDeP Чортоқ туман кенгаши таркибида 1030 нафар аъзони жипслаштирган 52 та куйи бўгин фаолият юритяпти. Улар партиямиз дастурий ғояларини кенг тарғиб қилиш, электорат ичига чуқурроқ кириб бориш, сайловчилар манфаатига оид масалаларни аниқлаш, ўрганиб чиқиш ва ҳал қилиш имкониятига эга

**Аҳроржон МУСУРМОНОВ,
Беҳзод ИСРОИЛОВ,
«XXI asr»**

Бу борада БПТлар тарғибот-ташвиқот тадбирларини изчил амалга ошириб, муайян натижаларни қўлга киритмоқдалар. Ана шу жараёнда замонавий, интер-фаол усуллар қўлланилишига алоҳида эътибор берилаяпти. Бир йил мобайнида 40 дан зиёд катта-кичик учрашув, давра суҳбати, очик мулоқот ва семинар ташкил қилинди. Уларнинг кўпчилиги ўзаро савол-жавоб, фикр алмашув, қизгин баҳс-мунозаралар руҳида ўтди. Корхона ва ташкилотлар, фермер хўжаликлари ва ўқув максадаларида долзарб мавзуларга бағишланган тадбирлар хусусида илик муносабат билдириш мумкин. Зеро, мазкур мулоқотларда нафақат партия фаоллари, депутатлар, маҳаллий бошқарув органлари ва жамоат ташкилотлари мутасаддилари, балки тингловчи сифатида таклиф этилганлар ҳам сўзга чиқиб, давлатимиз мустақиллиги шарофати билан вужудга келган беқиёс имкониятлар, демократик сайловларнинг аҳамияти, О'zLiDePнинг туб ислохотлар қўллаб-қувватланишига йўналтирилган фаолияти ва бошқа масалаларга тўхталдилар. Жонли, ҳаётий мисоллар келтириб, айрим нуқтаи назарлар бўйича мунозараларга киришди. Бундай ёндашув тадбирлар таъсирчанлиги, самарадорлиги ошишига хизмат қилаётганлигини қайд этиш керак.

Партия туман ташкилоти БПТлар билан ишлаш бўйича консультанти Улғубек Отахоновнинг маълум қилишича, туман электр тармоқлари корхонаси, «Асп шифо» МЧЖ ва «Усмонжон-Дилором» фермер хўжалиги, шунингдек, «Чортоқ-бош бекат» хусусий корхонасидаги бошланғич ташкилотлар партиявий ишларда жонбозлик кўрсатмоқда. «Чортоқ-бош бекат»да фаолият юритаётган таянч тузилмага 2014 йил бошида асос солинган. Дастлаб унинг аъзолари 12 нафарни ташкил этган бўлса, айна дамда 20 нафарга етди.

— Сиёсий куч атрофига бир-



— СИЁСИЙ КУЧ АТРОФИГА БИРЛАШГАН ФУҚАРОЛАР ПАРТИЯНИҲ МАҚСАД ВА ВАЗИФАЛАРИДАН КЕЛИБ ЧИҚҚАН ҲОЛДА ЭЛЕКТОРАТ МАНФААТЛАРИНИ ИФОДА ЭТИШДА ЗИММАЛАРИДАГИ МАСЪУЛИЯТНИ ҲИС ЭТАДИЛАР, — ДЕДИ БИЗ БИЛАН СУҲБАТДА ТУМАН КЕНГАШИ ДЕПУТАТИ, БПТ ЕТАКЧИСИ АБДУМУТАЛ МАҲҚАМОВ. — УНУТМАСЛИК КЕРАККИ, ПАРТИЯГА АЪЗО БЎЛГАН КИШИНING СИЁСИЙ КУЧ ТЎҒРИСИДАГИ ИЛК ТАСАВУРИ, ҚАРАШЛАРИ АЙНАН БОШЛАНГИЧ ТАШКИЛОТДА ВУЖУДГА КЕЛАДИ.

лашган фуқаролар партиянинг мақсад ва вазифаларидан келиб чиққан ҳолда электорат манфаатларини ифода этишда зиммаларидаги масъулиятни ҳис этадилар, — деди биз билан суҳбатда туман кенгаши депутати, БПТ етакчиси Абдумутал Маҳқамов. — Унутмаслик кераки, партияга аъзо бўлган кишининг сиёсий куч тўғрисидаги илк тасавури, қарашлари айнан бошланғич ташкилотда вужудга келади. Унинг қанчалик фаол бўлиши ҳам БПТ ишининг пишиқ-пухталигига боғлиқ. Буларнинг барчаси ўз устимизда тинимсиз ишлаш, изланишга ундамоқда. Имкониятларимиздан унумли фойдалана олсак, аъзоларимиз сони янада ортиб, омма орасига чуқурроқ кириб боришига эришамиз. Зеро, О'zLiDeP ҳар қандай сиёсий кучнинг негизи — бошланғич партия ташкилотлари фаолиятини кучайтириш ва такомиллаштириш

йўлидан борапти. Биз ҳам «Кучли куйи бўгиндан — кучли партияга» шиорини астойдил қўллаб-қувватлаб, партиянинг дастурий мақсадларига ҳамоҳанг қадам ташлашга интиляпмиз. Дарҳақиқат, куйи бўгин раисининг сўзлари, ташаббуслари амалий ишларда ўз ифодасини топапти. Хусусан, бошланғич ташкилотлар фаолияти сайлов кампаниясида муҳим ўрин тутди. Тилга олинган куйи бўгин сайлов арасида сайловчилар билан БПТ ишининг пишиқ-пухталигига боғлиқ. Буларнинг барчаси ўз устимизда тинимсиз ишлаш, изланишга ундамоқда. Имкониятларимиздан унумли фойдалана олсак, аъзоларимиз сони янада ортиб, омма орасига чуқурроқ кириб боришига эришамиз. Зеро, О'zLiDeP ҳар қандай сиёсий кучнинг негизи — бошланғич партия ташкилотлари фаолиятини кучайтириш ва такомиллаштириш

сифатида бириктирилганлиги, у ўзига билдирилган ишонччи тўла оқлаганлигини қайд этиш зарур.

— Президент сайлови ҳар томонлама юксак даражада ташкил қилинди, — дейди Р.Ҳамидов. — Сайлов участкасида фуқаролар ўз хоши-иродасини эркин ифо-да этиши учун барча шароитлар яратилди. Участканинг тартибли ва озодаллиги, масъулиятли жараёнининг барча босқичлари аниқ йўлга қўйилгани, тегишли ахборотларни олиш учун қўлай шароит яратилгани кўзга ташланди. Сайловчилар кимга, нима учун овоз бериши мустақил равишда ҳал этдилар. Кузатишларимга қараганда, ҳамюртларимиз бу галги сайловда ҳар қачонгидан кўра фаолроқ қатнашдилар. Бу эса уларнинг ижтимоий-сиёсий оғи анча ўсганидан далолат. Айна пайтда ташкилотчилар, масъул-лар ўзларига билдирилган ишонччи оқлаш учун сидқидилдан интиланликларига гувоҳ бўлдим. Кузатувчи сифатида ўз ишимни тугатганимдан кейин сайлов жараёни сайлов қонунчилигига қанчалик мувофиқ бўлганлиги тўғрисида ҳисобот тайёрладим. Унда ана шу таассурот ва хулосаларим аниқ далилларга асосланган тарзда атрофича баён этилди.

Фаол фуқаролик позицияси

Олтиариқ туманидаги «Азимобод» ҚФЙ ҳудудида фаолият юритаётган куйи бўгин 150 нафар партия аъзосини бирлаштирган. 29 март кун бу ердаги маслақдошларимиз эрта саҳардан 359-сайлов участкасига бориб, партиямиздан илгари сурилган номзод учун овоз бердилар

О'zLiDeP Фарғона вилоят кенгаши раисининг биринчи ўринбосари Ғайратжон Абдуллаевнинг айтишича, мазкур куйи бўгин ҳудудида яшовчи 3235 нафар ўтган йили парламент Қонунчилик палатаси ва маҳаллий кенгашларга бўлиб ўтган сайловда ҳам ўз бурчига масъулият билан ёндашиб, партия туман кенгашига яқиндан кўмаклашди.

— Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови арасида бошланғич ташкилотимиз томонидан ўндан ошиқ ғоявий-сиёсий

тадбир ўтказилди, — дейди БПТ етакчиси, туман кенгаши депутати Бахтиёр Элчиев. — ҚФЙ ҳудудида яшовчи 3235 нафар сайловчи эътиборига жорий йилдаги сайлов кампанияси сифат жиҳатдан янги ижтимоий-сиёсий шароитда, фуқароларнинг сиёсий фаоллиги муҳитида ўтаётгани, шунингдек, мамлакатимизда аҳолининг ўз хоши-иродасини эркин ифодаланиши кафолатлайдиган, юксак талабларга жавоб берадиган миллий сайлов тизими

яратилгани ҳақидаги маълумотлар ҳавола этилди. Шунингдек, сайловчиларни О'zLiDePдан кўрсатилган номзоднинг сайловолди дастури билан муфассал таништирдик. Фаолларимиздан бари сайловда кузатувчи сифатида иштирок этгани эътиборга молик. Бинобарин, сайловчиларнинг ғоят фаоллигида бошланғич ташкилотимизнинг ҳам камтарона ҳиссаси бор.

Ўз мухбиримиз.

«Кузатувчи сифатида кузатганларим»

— Бухоро шаҳридаги 6-сайлов участкасида кузатувчи сифатида фаолият юритиб, муҳим сиёсий тадбирни ўтказиш пайтида очкилик ва ошкоралик таъминлангани, сайлов ҳалқаро нормаларга мувофиқ ташкил этилганига гувоҳ бўлдим. Айни вақтда сайлов — кучли фуқаролик жамиятига асосланган демократик ҳуқуқий давлатнинг ажралмас белгиси, халқнинг ўз хоши-иродасини эркин ифодаланиши, жамият ва давлат ишларини бошқаришдаги иштирокининг асосий шакли эканлигини яна бир марта ҳис этдим.

Сайлов кун бу ерда жами 2351 нафар фуқаро ўз конституциявий ҳуқуқидан фойдаланиб, сиёсий партиялардан кўрсатилган номзодлар учун овоз берди. Уларнинг 34 нафари илк марта овоз берган йигит-қизлардир. Сайловга тайёргарлик доирасида ўтказилган ўқув-семинарларда ўзлаштирилган билимларим кузатувчи сифатидаги ишимда ғоят асқотди. Сайлов участкасида фуқароларга сайлов бюллетенларини бериш, овозларни санаб чиқиш ва участка сайлов комиссияси баённомасини тузиш сингари жараёнларини кузатганимда «Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови тўғрисида»ги қонун талаблари бузилмаганлигига ишонч ҳосил қилдим.

Шу ўринда таянч тузилмамиз аъзолари ўз зиммаларидаги масъулиятни чуқур англаб, сиёсий кампанияда фаол иш олиб боргани, сайловни уюшқоқлик билан ўтказишга муносиб ҳисса қўшганини таъкидлашимиз истардим. 22 нафар маслақдошимизнинг мақсади ягона, у ҳам бўлса, жойлардаги тарғибот-ташвиқот ишларини янада кучайтириб, партиямиз сафларини кенгайтириш, халқ депутатлари шаҳар кенгашидаги депутатлик гуруҳи билан ҳамкорликда олиб борилаётган ишларни янги сифат босқичига кўтаришдан иборат.

Собир ҲАЙДАРОВ,

Бухоро шаҳридаги «Нодирабегим» хусусий уй-жой мулкдорлари ширкатидаги О'zLiDeP бошланғич ташкилоти раиси, халқ депутатлари шаҳар кенгаши депутати.

Расман маълум қилинди

Оҳангарон туманидаги «Қорахитой» ҚФЙ ҳудудида 1-сонли Болалар ва ўсмирлар спорт мактаби фаолият юритяпти. Яқинда қилқок фаоллари мазкур мактабда ёпиқ сузиш ҳавзасини барпо этиш таклифи билан ҳудуддаги О'zLiDeP бошланғич ташкилотига мурожаат қилдилар. БПТ ташаббуси билан ушбу масала тегишли депутатлик гуруҳларида ва юқори ташкилотларда атрофича кўриб чиқилди.

Пировардида Тошкент вилояти ҳокимлиги мутасаддилари томонидан халқ депутатлари вилоят кенгашидаги О'zLiDeP депутатлик гуруҳи раҳбари Ш.Умрзоқова янги бассейни барпо этиш ишлари маҳаллий дастурга киритилиши мўлжалланётганлиги расмий равишда маълум қилинди.

Ўз мухбиримиз.

ДИҚҚАТ ТАНЛОВ! ЖУРНАЛИСТИКА СОҲАСИДА «ОЛТИН ҚАЛАМ» Х МИЛЛИЙ МУКОФОТИ

Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси Журналистларни қайта тайёрлаш маркази билан ҳамкорликда миллий ва халқаро журналистиканинг энг юксак ютуқларини кенг оммалаштириш, ОАВ ходимлари фуқаролик позицияларини намён этишлари учун шароит яратиш ҳамда журналистларда танқидий фикрлаш ва ижодий фаолиятга янги ёндашувларни шакллантириш мақсадида «Олтин қалам» Х Миллий мукофоти учун халқаро танловни ўтказди.



3 май — Жаҳон матбуоти эркинлиги кунига бағишланган бу танловга 2014 йилнинг 31 мартдан 2015 йилнинг 31 мартгача — бир йил давомида газета ва журналларда чоп этилган, радио орқали эфирга узатилган ҳамда телевидениеда кўрсатилган ва интернет нашрларида берилган материаллар 2015 йилнинг 10 апрелгача қабул қилинади.

Танлов голиблари учун қуйидаги мукофотлар таъсис этилган:
Журналистика соҳасида бош миллий мукофот.
Голиб махсус диплом, «Олтин қалам» кўкрак нишони, статуеткаси ва Ўзбекистон Республикасида белгиланган энг кам иш ҳақининг 200 баробари миқдоридан пул мукофоти билан тақдирланади.

Асосий мукофотлар:
Энг яхши журналистик материал учун миллий мукофот (телевидение — 1-, 2-, 3-ўринлар);
Энг яхши журналистик материал учун миллий мукофот (радио — 1-, 2-, 3-ўринлар);
Энг яхши журналистик материал учун миллий мукофот (босма ОАВ — 1-, 2-, 3-ўринлар);
Энг яхши журналистик материал учун миллий мукофот (интернет-журналистика — 1-, 2-, 3-ўринлар).
Биринчи ўринни олган голиблар диплом, «Олтин қалам» кўкрак нишони, статуеткаси ва энг кам иш ҳақининг 160 баробари миқдоридан пул мукофоти билан тақдирланадилар.

Иккинчи ўринни олган голиблар диплом, «Олтин қалам» кўкрак нишони, статуеткаси ва энг кам иш ҳақининг 140 баробари миқдоридан пул мукофоти билан тақдирланадилар.
Учинчи ўринни олган голиблар диплом, «Олтин қалам» кўкрак нишони, статуеткаси ва энг кам иш ҳақининг 120 баробари миқдоридан пул мукофоти билан тақдирланадилар.

Рағбатлантирувчи мукофотлар учун номинациялар:
энг яхши фоторепортаж;
энг яхши матбуот хизмати;
Мазкур номинациялар голиблари диплом, «Олтин ка-

лам» кўкрак нишони, статуеткаси ва энг кам иш ҳақининг 50 баробари миқдоридан пул мукофоти билан тақдирланадилар.

«Олтин қалам» танлови голибларини мукофотлаш, шунингдек, уни ўтказиш билан боғлиқ сарф-харажатлар Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги Нодават ногижорат ташкилотларини ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтиларини қўллаб-қувватлаш жамоат фонднинг молиявий кўмагида амалга оширилади.

Шунингдек, қатор халқаро ташкилотларнинг Ўзбекистондаги ваколатхоналари ва республикамиздаги жамоат ташкилотлари ҳам ўз рағбатлантирувчи мукофотларини таъсис этган.

Танлов шартлари:
Танловга теле-, радио-, босма материаллар ҳамда интернет нашрларида эълон қилинган ишлар тақдим этилади (5 тадан кам бўлмаслиги керак).
Телевидение бўйича видеоматериаллар, ахборот ташувчи воситанинг қандай кўринишида бўлишидан қатъи назар, 3 дақиқадан 30 дақиқача бўлиши керак.
Радиоэшиттиришлар (CD, DVD дискда) 5 дақиқадан 30 дақиқача бўлиши керак.
Матбуот ва интернет материаллари асл нусхада ёки кўчирма нусхада тақдим этилиши лозим.

Танловга юборилган материалларга қуйидагилар илова қилиниши лозим:
— муаллиф ҳақида маълумотнома;
— муаллифнинг турар-жойи, уй ва иш телефонлари;
— паспорт нусхаси.
Танлов голибларини тантанали мукофотлаш маросими — Жаҳон матбуоти эркинлиги кунини арасида «Туркистон» саройида ўтказилади.
Мукофот бир шахсга тақдоран берилмайди.

Материаллар «Олтин қалам» танловига деб кўрсатилган ҳолда қуйидаги манзилга юборилиши лозим:
100129, Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси, 30-уй.
Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси 3-қават, 35-хона. Телефонлар: 244-64-61; 244-37-87. www.journalist.uz

Ёши улуглар улуғланган юрт

Асрлар охсига ҳам халқимизнинг ўзига хос анъаналари, урф-одатлари сақланиб, катталарга ҳурмат, кичикларга иззаат кўрсатилиб, нурунийлар ардоқланиб келинмоқда. Бу каби эътибор, меҳр-муруват Кексаларни эъзолаш йилида янада теран мазмун-моҳият касб этяпти. Чунончи, О'zLiDeP Фарғона туман кенгаши ва бошланғич ташкилотлар ташаббуси билан «Кексаларни эъзолашнинг деб номланган тадбир ўтказилди. Жамоат ташкилотлари вакиллари ва партия фаоллари Иккинчи жаҳон уруши ва меҳнат fronti фахрийлари, ёлғиз кексалар, пенсионер ва ногиронларнинг турмуш даражасини ошириш, саломатлигини мустаҳкамлаш борасидаги Давлат дастурлари, тегишли қонун ҳужжатларининг жойлардаги ижроси бўйича фикр-мулоҳазалар билдирилди. БПТ етакчилари қариялар ҳолдан мунтазам хабар олиш, уларнинг оғирини енгил қилиш, уй-жойларини ҳашар йўли билан обод қилиш сингари хайрли ишларга алоҳида эътибор қаратилаётганини таъкидладилар. Маҳаллий санъаткорлар иштирокидаги концерт ушбу тадбирга байрамона файз бағишлади.

Ўз мухбиримиз.



**Биз — XXI асрда яшайпмиз!
Биз — XXI асрда ишлайпмиз!
Сиз — «XXI ASR»га обуна бўлдингизми?
Нашр индекси: 406
Мурожаат учун телефон: (0 371) 215-63-80.**

ЭЪЛОН

Тошкент шаҳри, Утепа тумани (собиқ Акмал Икромов) ИИБ томонидан 14.02.1995 йилда Адбувоҳидова Мастура Ҳакимовнага берилган СА 0083235 серияли фуқаролик паспорти йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

ҲАЁТ ҲАҚИҚАТЛАРИ

Кейинги йилларда бир оилага мансуб бўлмаган тирик организмларнинг чаштирилиши, анкироғи, жониворлар генининг экинларга, ўсимликларники эса ҳайвонларга ўтказилиши оддий ҳолга айланиб бораёпти. Ген инженерияси тақомиллашиб, фан ва амалиётнинг муайян тизими шаклланди. Озиқ-овқат маҳсулотларининг ақл бовар қилмас даражадаги шакл, ранг ва вазнга эга турлари яратилаётди. Бу — тараққиёт белгиси. Лекин ҳамма нарсанинг табиий бўлгани яхшида. Бугунги глобаллашув даврида фақат табиат инъомлари инсоният эҳтиёжларини тўлиқ қондира олмаслиги хусусидаги қарашларнинг кучайиб бориши натижасида ген инженерияси асрлар давомида шаклланган илм-фаннинг реал рақибига айланди. Кўп вақт ва меҳнат талаб қиладиган селекция ишлари ўрнига ген инженерияси ёрдамида хоҳлаган ўсимлик билан бошқа тирик организмнинг генини қўшиш орқали янги навларни яратиш имконияти юзага келди. Бундай ўсимликлар «бегона» ген ёрдамида зараркунанда ҳашоратлар, ноқулай иқлим шароитларига чидамли эканлиги, ҳосилдорлиги билан аҳамиятлидир. Масалан, помидорнинг совуққа чидамли тури акула гени билан чаштирилган туфайли яратилган экан.

ни, иқлим ўзгаришлари, қурғоқчилик, зараркунандаларнинг кўпайиши ҳам мавжуд вазиятни янада чигаллаштириши мумкин. Бу эса озиқ-овқат маҳсулотлари танқислигини кучайтириши, дунёнинг айрим ҳудудларида очарчилишни юзага келтириши аниқ. Ана шундай пайтда олимлар кам маблағ сарфлаб, кўп ҳосил олиш мумкин бўлган, ҳар қандай зараркунандалар ҳужумига дош берувчи гени ўзгартирилган маҳсулотлар ҳажмини янада кенгайтиришни таклиф этишаётди. Аммо бир қатор иқтисодчи ва сиё-

га ёки назорат қилишга асосланган қонунлар ишлаб чиқилган. Масалан, Европа мамлакатларида шундай қонунлар мавжуд бўлиб, бундан қўзланган асл мақсад асосан АҚШдан импорт қилинадиган арзон ГҲМларни назорат қилиш орқали европалик фермерларнинг манфаатини ҳимоя қилишдан иборатдир. Эътиборлиси, қонун гени ўзгартирилган маҳсулотларни чеклашни эмас, балки озиқ-овқатлар қутисига «ГҲМдан тайёрланган» деган ёрлиқ қўйилишини талаб қилади, холос. Маълум-

оқибатида кўринишини ўзгартирмайдиган (қорайиб қолмайдиган) янги турдаги олма етиштириш лойиҳасини ҳам тасдиқлади. Бундай олма кўчатлари Канаданин Оканеган Specialty Fruits компанияси томонидан америкалик фермерларга етказиб берилиши кутилмоқда. Канадалик олимлар бундай олмалар узоқ вақт яхши сақланиши ва ташқи кўриниши билан эътиборга лойиқлигини таъкидлашмоқда. Кўпчилик америкаликлар эса бу янгилик одамларда асл олма ҳақидаги та-

биатга ҳам таъсир кўрсатишидан хавотирга тушмоқда. Агар шундай ҳол юз берса, йиллар ўтиб бутун бошли экотизим издан чиқиши мумкин. Энг ёмони, генетик ўсимликлар ер танламайди. Улар исталган шароитда ривожланаверади. Масалан, бундан бир неча йил аввал АҚШда данаксиз тарвузлар етиштириш ва унинг уруғини экспорт қилиш авж олган эди. Мутахассисларнинг таъкидлашича, ҳашарот гени билан чаштирилган олмига олинган мазкур тарвузлар жуда қисқа фурсатда дунёнинг исталган ҳудудида ҳосилга

Ақбар МУЗАФФАРОВ,
«XXI asr»

Японияда куён гени карам уруғи билан чаштирилиб, тўқ сариқ рангли нав яратилди. Генотерапиянинг юксак маҳсули, дея аталаётган карамнинг бу тури Кунчиқар юрт бозорларида табиий оқ ва кўк рангдагиларига нисбатан харидорлар экани таъкидланмоқда. Хитойда эса гени ўзгартирилган товуқ пайдо бўлди. Олимларнинг фикрича, унинг туҳуми ўзида турли протеинлар, ҳатто саратон хасталигига қарши курашадиган моддани сақлаш хусусиятига эга эмиш. Кашфиёт ҳали ўз ишотини топмасиданок, ана шу мамлакатда ген инженериясида мисли кўрилмаган янгилик — товуқнинг туҳум яратилгани барчани бирдек ажаблантира бошлади.

ли гербицидларга чидамли соя қўшилган сув берилиб, бошқа бир тўдаси оддий сув ва озиқ-овқатлар билан парваришланганида кишини лол қолдирадиган натижа аён бўлди. Соя суви қўшилган каламушларнинг кўплаб болалари тезда нобуд бўлди. Омон қолганларининг вазни оддий сув ичганларига қараганда 20 грамм енгил эканлиги аниқланди. Шу боис олимлар гени ўзгартирилган маҳсулотлардан фойдаланиш вақтинчалик эканлигини, вақти келиб ундан воз кечилишини таъкидлашмоқда.

Қарийб йигирма йиллик умрини ген муҳандислигини ўрганишга бағишлаган норвегиялик олим Терье Траавик ҳам айна шундай фикрда. Унинг маълум қилишича, гени ўзгартирилган маҳсулотларни истеъмол қилиш кимёвий ара-лашмалар қўшилган маҳсулотни истеъмол қилишдан ҳам хавфли. Улар йўқ бўлиб кетмай, аксинча, тўқималарга кириб бориши ва у ерда назоратсиз қолиб, турли зарарлар келтириши олимни хавотирга солмоқда.

Машҳур файласуф Вольтер ёзганидек, «Шамол баъзан кемани чўктириб юборади. Лекин усиз сузиб бўлмайди. Бу дунёда ҳамма нарса хавфли ва айна дамда муҳимдир». Шу маънода трансген озиқ-овқат маҳсулотларининг кўпайиши баъзи ҳолларда инсон саломатлигига зиён келтирса-да, лекин ундан бутунлай воз кечиб ҳам бўлмайди. Боиси, мутахассислар ҳисоб-китобларига кўра, 2005 йилга бориб дунё аҳоли-

ПОМИДОРНИНГ АКУЛАГА ҚАНДАЙ АЛОҚАСИ БОР?



си 10 млрд. нафарга етади. Бунча аҳолини озиқ-овқат маҳсулотларига бўлган талабини қондиришни тасаввур этиш мушкул эмас. Бундан ташқари, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштиришга мўлжалланган бир неча миллион гектар унумдор ерларнинг деградацияга учраётга-

сатчилар бундай маҳсулотларнинг пайдо бўлиши муаммонинг ижобий ечимини топиш имконини бермаганини, айна пайтда сайёрамизда ўта ташқари, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштиришга мўлжалланган бир неча миллион гектар унумдор ерларнинг деградацияга учраётга-

мот учун шуни алоҳида қайд этиш жоизки, ўтган йили АҚШда оксидланган картошкалар етиштирилишига ҳам рухсат берилди. Жорий йилда эса қишлоқ хўжалиги вазирдан зиёд эканини таъкидлашмоқда. Шу боис кўплаб мамлакатларда бундай маҳсулотларни чеклаш-

савурларни бутунлай ўзгартириб юбориши мумкинлигидан хавотирланишмоқда. Шу боис АҚШ федерал бошқармаси ва Оканеган Specialty Fruits компанияси мутахассислари билан ҳамкорликда ушбу меванинги инсон соғлиғига зарари йўқлиги бўйича текширув олиб боришаётди.

Умуман олганда, ген инженерияси изчил ривожланмоқда. Эътиборлиси, бугунги кунда нафақат озиқ-овқат маҳсулотлари, балки жаҳон фармацевтикасида тайёрланаётган дори-дармонларнинг деярли ярми генетик ўзгартирилган ўсимликлардан олинмаган маҳсулоти билан касалликларни даволашда яхши самара бериши мумкин. Аммо ирси частирилган ўсимликлардан олинган гармон сифатидаги дори-лар инсон саломатлигига салбий таъсир этмаслигига ҳеч ким кафолат бера олмайди. Экологлар гени ўзгартирилган ўсимликлар ёввойи

кириши маълум бўлди. Фақат унда ҳақиқий тарвузнинг мазаси сезилмайди.

Россиялик мутахассисларнинг фикрича, инсон қанча кўп генетик ўзгартирилган маҳсулотларни истеъмол қилса, қон таркибидан шунча кўп хавфли ўзгаришлар кузатилади. Ошқозон-ичак фаолияти, асаб тизимининг ишдан чиқиши, тромбофлебит ва аллергик касалликларни келтириб чиқариши аниқланган. Лекин шунга қарамай, бундай чаширма маҳсулотлар жуда кўп озиқ-овқат маҳсулотлари таркибига қўшилмоқда. Айтилик, генетик ўзгартирилган соя деярли барча егуликларга қўшиляпти.

Ўрни келганда инсон табиатида барча янгиликларни инкор этиш хусусияти мавжудлигини ҳам унутмаслик керак. Масалан, бундан 300 йил муқаддам Америкадан келтирилган помидор ва картошкани «иблиснинг овқати» деб истеъмол қилишдан бош тортилган. Демак, нима бўлганда ҳам бирор янгиликка салбий фикр билдиришдан аввал унинг фойда ва зарарини атрофича ўрганиб чиқиш лозим.

«ВАККОНИ» савдо белгиси билан

Бугунги кунда Наманган вилоятида 13 мингта кичик бизнес субъекти фаолият юрятаёпти. «Исоқжон савдо сервис», «Истиклол дизайн маркази», «Люкс плюс сервис» сингари масъулияти чекланган жамиятлари ана шулар жумласидандир. Улар асосан поабзал, кийим-кечак ишлаб чиқаришга ихтисослашган. Хусусан, «Люкс плюс сервис» МЧЖнинг костюм-шимлари хорижикидан асло қолишмайди. Пишиқ, сифатли. Корхона 2005 йилда ташкил этилган бўлиб, ўтган давр мубайнида иқтисодий жиҳатдан ўзини тўла тиклаб олди. Ҳозирда бу ерда 200 нафардан зиёд тикувчи ва дизайнер меҳнат қилмоқда

Ахроржон МУСУРМОНОВ, «XXI asr»

Мамлакатимизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик ривожига қаратилган эътибор туфайли маҳсулот турларини кўпайтириш имконияти кенгайяпти. Жумладан, 2013 йилдан корхона томонидан эркаклар ва болаларнинг 7 хилдаги устки кийимларини ишлаб чиқариш ўзлаштирилди.

Таъкидлаш жоизки, 2011 йилда «Асака» банк вилоят филиалидан олинган кредитлар ҳисобига Германия, Япония, Хитойдан замонавий тикув-бичув, даз-моллаш дастгоҳлари харид қилинган эди. Айна кунда улар жамоа аъзоларининг мушкулчини осон қилмоқда. Хусусан, ишлаб чиқариш устаси Комилжон Мусаев, тикувчи Махлиёхон Хожиева, бичувчи Севарахон Шералиеванин меҳнат ва из-ланишлари диққатга молик.

Улар ҳаммасларига ўрнатилган бўлиш билан бирга ишга янги қабул қилинган 30 нафар битирувчи чеварликнинг сир-асрорларини кўп билан ўргатишмоқда.

— Жамоамиз аҳил, — дейди Севарахон Шералиева. — Ака-ука, опа-син-гилдек бўлиб кетганмиз. Маошимиз ҳам ёмон эмас. Тушлик бепул, учта автобус борди-келдимизга хизмат қилади. Ана шундай қулай шарт-шароит туфайли ишга масъулият билан ёндашиб, корхона обрўсига обрў қўшишга интиляямиз.

Дарҳақиқат, жамоанин саъй-ҳаракатлари туфайли ўтган 2014 йилда 4 млрд. сўмликдан зиёд кийим-кечак ишлаб чиқаришга эришилди. «ВАККОНИ» савдо белгиси остида хорижга 204 минг АҚШ доллари миқдоридида маҳсулот экспорт қилинди.

— Жорий йилнинг ўтган даврида эришилган натижалар ҳам чаки эмас. Ички бозорда 1 млрд. сўмликдан зиёд маҳсулот сотилди. Энг муҳими, хорижий тадбиркорлар биз билан ҳамкорлик қилиш истagini билдиришмоқда, — дейди корхона раҳбари А.Бобомирзаев. — Бу эса ишга янада масъулият билан ёнда-шувни тақозо этади. Шартномалар имзолангач, маҳсулотларимизнинг экспорт ҳажми янада ошиши мумкин.

Ҳа, шундай. Ўрни келганда корхона қошида O'zLiDe'Nнинг бошлангич таш-килотти фаолият юритаётганини айтиб ўтиш жоиз. Унинг атрофига уюшган 20 на-фар маслакдош партиянинг мақсадларини кенг тарғиб қилишга интилишмоқда. Аюбхон Азизов, Маҳмуджон Юсупов сингари фаоллар «Оилавий тадбиркор-ликдан — мустақкам оилага», «Мулкдор оила», «Диплом билан — бизнесга», «Ишбилармон талаба» каби партиявий лойиҳаларга жиддий эътибор қаратиб, аҳоли ўртасида тарбиёт-ташвиқот ишларини кучайтиришаёпти.

Бу, шубҳасиз, ислохотларни чуқурлаштиришда ўз самарасини бермоқда. Зеро, O'zLiDe'Nнинг дастурий гоаллари юртимизда қулай ишбилармонлик муҳи-тини яратиш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик имкониятларидан янада кенгрок фойдаланишга йўналтирилганлиги билан алоҳида аҳамиятга эгадир.

Когон туманидаги
«СИДИҚОВ НАБИ»
фермер хўжалиги жамоаси

*барча юртдошларимиз,
тадбиркорлар ва қишлоқ хўжалиги
соҳаси ходимларини баҳор элчиси,
янгилиниш ва яшариш байрами бўлмиш
Наврўзи олам
билан самимий қутлайди.
Сизларга сиҳат-саломатлик,
оилаларингизга тинчлик-хотиржамлик,
дустурхонингизга тўкин-сочинлик тилаймиз.
Юртимиз обод, ҳаётимиз фаровон бўлсин!*

СУҲБАТДОШ

Дастлабки самара дараклари

Мамлакатимизнинг барча ҳудудларида O'zLiDePнинг «Тадбиркорлик ва фермерлик ривожига — фаровон ҳаёт барпо этишнинг муҳим шартини» мавзусидаги форуми доирасида «Лойиҳаларимиз ёшларга, тадбиркорларга ва ҳар бир коллеж битирувчисига» номли истиқболли лойиҳа тақдимоти ўтказилмоқда

Шухрат РАҲИМОВ,
«XXI asr»

Бундай тадбирлар Сурхондарё вилоятида ҳам изчиллик билан амалга оширилди. Хусусан, қишлоқ хўжалиги ва тадбиркорликка ихтисослашган касб-хунар коллежлари битирувчиларини партиявий лойиҳаларнинг мазмун-моҳияти билан яқиндан таништиришга жиддий эътибор қаратилади.

O'zLiDeP фаолиятининг энг муҳим йўналишларидан бири бўлган кичик бизнес, хусусий тадбиркорлик ва фермерлик ҳаракатини янада ривожлантириш, аҳоли турмуш даражасини юксалтириш, ҳар томонлама соғлом авлодни вояга етказиш масалаларига фуқаролик жамияти институтлари ва кенг жамоатчилиқни жалб қилиш форумнинг асосий мақсадидир.

Мазкур форум доирасида ўтказилаётган турли лойиҳалар тақдимоти асосида партия фаоллари томонидан ўтган йили амалга оширилган «Диплом билан — бизнесга», «Ишбилармон талаба», «Келажақ фермери», «Парламентда менинг ўрни», «Ёшлар ва миллий қонунчилик», «Ёш олимлар ва мутахассислар», «Хавфсиз интернет» каби анъанавий тадбирлар натижалари сарҳисоб қилиняпти.

Жумладан, 2014 йил давомида вилоятда ҳамкор ташкилотлар билан биргаликда навқирон авлод вакиллари учун ўтказилган мулоқотларда олий ва ўр-



та-маҳсус таълим муассасаларининг 9 мингдан зиёд битирувчиси, ишлаб чиқариш корхоналарида меҳнат қилаётган кўлаб иқтидорли ёшлар иштирок этгани қайд этилди.

Мисол тариқасида таъкидлаш жоизки, «Диплом билан — бизнесга-2014» лойиҳасининг туман (шаҳар) ва вилоят босқичларида ташкил этилган ўқув-семинарларда 765 нафар битирувчи қамраб олиниб, улардан 92 нафарига кредит олиш учун маҳсус сертификат тақдим қилинди. Лойиҳада қатнашган орқали тайёрлаган бизнес-режаси молия муассасалари талабларига тўлиқ жавоб берадиган 75 нафар битирувчига банклардан жами 284 млн. сўм миқдорида имтиёзли кредит ажратишига кўмаклашилди. Энг муҳими, хусусий тадбиркорликни йўлга қўйган ана шу

талабалар томонидан 83 та янги иш ўрни ташкил этилди.

— Танловга тақдим қилган бизнес-режа ҳамкамлар томонидан юқори баҳола-ниб, имтиёзли кредит олиш ҳуқуқини берувчи йўлланмага эга бўлганим туфайли «Микрокредитбанк» менга 7 млн. 500 минг сўм миқдорида кредит ажратди, — дейди кўмқўргонлик Азимхон Сайфиддинов. — Ушбу маблағ эвазига чорвачилик билан шуғулланувчи тадбиркорлар сафига қўшилганимдан хурсандман.

— Яна битта партиявий лойиҳа — «Ишбилармон талаба» кўрик-танловига ҳам қизиқиш тобора кучайиб бормоқда, — дейди O'zLiDeP вилоят кенгаши Ёшлар билан ишлаш бўлими мудири Холмиддин Бурiev. — Бу лойиҳанинг эътиборли жиҳати шундаки, танлов ғолибларига ўқув йили давомида пар-

тия стипендияси берилади.

Хулоса қилиб айтганда, форум иштирокчилари деҳқончилик, чорвачилик, боғдорчилик, асаларичилик ва балиқчилик соҳаларидаги тажрибали фермер хўжалиқлари раҳбарларининг ўз фаолияти тўғрисидаги маърузаларини тинглаб, улар билан жонли мулоқотга киришаётгани, ташкилотчиларга турли саволлар билан мурожаат этишаётгани лойиҳанинг дастлабки самарасидан дарак бериб турибди. Зеро, форумнинг асосий мақсади ҳам ҳудудлардаги аграр соҳага ихтисослашган касб-хунар коллежлари битирувчиларининг фермерлик йўналишидаги билим ва кўникмаларини мустаҳкамлаш, уларни кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликка кенг жалб қилиш орқали жойларда янги иш ўринлари яратишдан иборат.

Кресло керакми? Марҳамат!

Мамлакатимизда тадбиркорлик субъектларини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, уларга қўлай ишбилармонлик муҳитини яратишга алоҳида эътибор қаратилгани боис жойларда импорт ўрнини босадиган, рақобатдош маҳсулотлар ишлаб чиқарувчи корхоналар сони кўпайиб бормоқда

Мансур АСЛОНОВ,
«XXI asr»

Бундай шароитнинг амалдаги самарасини Навоий шаҳрида 2009 йилда ташкил этилган «Формула юта» маъсулияти чекланган жамияти фаолияти мисолида ҳам кўриш мумкин.

— Ишни мослаштирилган бинода атиги беш турдаги мебель ишлаб чиқариш билан бошлаганмиз, — дейди корхона раҳбари Одил Абдуллаев. — Жойимиз тор бўлгани учун аввалига бироз қийналдик. Банкдан олинган имтиёзли кредит орзулар рўёбига замин бўлди. Қисқа фурсатда умумий майдони 900 квадрат метрдан зиёд тўртта — дурдгорлик, пайвандчилик, бўяш ва қопламалар тикиш цехларидан иборат устакхоналар мажмуасини қуриб бит-

каздик.

Таъкидлаш жоизки, мазкур МЧЖ Италия технологияси асосида ишлайдиган ускуналарни харид қилган, ўтган йили жами 520 миллион сўмлик сифатли маҳсулот ишлаб чиқариб, вилоятдаги турдош корхоналарнинг етакчилари қаторидан ўрин олди.

— Ассортиментни кўпайтирмасдан кучли рақобат шароитида фаолият кўрсатиш осон эмас, — дейди тадбиркор. — Шу боис корхонада ишлаб чиқарилаётган маҳсулот турларини доимий равишда модификация қилиб тураемиз. Сўзимизга бугунги кунда харидорлар кўпроқ янги турдаги юмшоқ мебель, яъни замонавий креслоларимизга буюртма беришаётгани далил бўла олади.

Корхона мутасаддилари ёшларга алоҳида эътибор қаратаётир. Хусусан, бундан

уч-тўрт йил олдин коллежни битирган Александр Шубин, Элдор Усмонов, Дамир Ташботиров сингари йигитлар айти кунда ишлаб чиқариш жараёнининг барча жаҳазларини ўзлаштирган.

— Ҳар бир мижознинг буюртмасини — бу ошхона жавони бўладими, меҳмонхона столи ёки офис креслосини — индивидуал хоҳиш ва истакларини инобатга олган ҳолда, керакли ранг ва дизайнда ишлаб чиқарамиз, — дейди Э.Усмонов. — Бундан ташқари, мижознинг уйига бориб, мебель ўрнатилдиган жойни кўрамиз. Лозим бўлса, буюртма жойида ясаб берилади. Шаҳар ҳудудида яшовчи харидорларга ўлчам олиш ва ўрнатиб бериш сингари хизматлар бепул амалга оширилади.

— Навоий ҳамда Тошкент шаҳарларида ўтказиладиган

ярмаркаларининг барчасида қатнашишга ҳаракат қиламан, — дейди МЧЖ директори. — Зеро, бу маҳсулотларимизни сотиш, хом ашё харид қилиш учун тўғридан-тўғри мижоз топишимизда қўл келади. Ваҳоланки, биз ишлаб чиқарётган креслолар Хитой маҳсулотидан икки қарра арзон бўлишидан ташқари анча сифатли ҳам.

Хулоса ўрнида яқин орада қурилиши ниҳояланаётган икки қаватли бинода меҳнат кўргазмасини ташкил этишни мақсад қилган жамият раҳбари келгусида тежамкор технология ўрнатиш билан бирга корхонада ISO-2001 халқаро сифат менежменти тизимини жорий этган ҳолда ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларни жаҳон бозорига йўналтиришни кўзлаётганини айтиб ўтиш лозим.

ВОҚЕАЛАР, ШАРҲЛАР, ДАЛИЛЛАР!

«Chevrolet Captiva»дан бошқаси — газга!

«General Motors Uzbekistan» компанияси завод конвейерларидан чиқётган автомобилларнинг салкам 50 фоизини газ ёнилгисига ўтказишни режалаштирмоқда. Энди машиналарга «Avtosanoat-Landi Renzo» Ўзбекистон-Италия қўшма корхонаси томонидан ишлаб чиқарилган газ баллонли ускуналар ўрнатилди. Маълумотларга кўра, айти пайтда ана шундай ускуналар ўрнатилган 25 та автомобиль синодан ўтди. 2015 йил октябрида эса бундай ускунага эга машиналарнинг тахминан 1500 тасини сотувга чиқариш кўзда тутилган.

Мутахассисларнинг фикрича, 6-8 цилиндрли «Chevrolet Captiva»дан бошқа русумдаги автомобилларга ўрнатилган 90 литр ҳажмдаги газ баллонидидаги ёнилгисига ўртача 340-350 километр масофани босиб ўтишга етади.



Илҳом Фармоновнинг энага-роботи

Тошкент ахборот технологиялари университети магистранти Илҳом Фармонов бошқарув қурилмаси ёрдамида ҳаракатланувчи ўзига хос роботи яратди, дея хабар берди telegraf.uz. Макети 3D ўлчамда тайёрланган мазкур робот маҳсус дастур бўйича ишлайдиган Arduino платформасига йиғилган. Муаллиф «TATU robot» деб номлаган ушбу қурилма қадам ташлаб юриш, бурилиш, гапириш сингари бир неча функцияларни бажаради. Роботнинг Wi-Fi орқали масофадан бошқарилиши ва Android тизимида ишлаши эса фойдаланувчи учун қўшимча қўлайлик яратади. И.Фармоновнинг таъкидлашича, робот ёш болали аёлларга ҳам ас қотиши мумкин. Зеро, «темир одам» ўйнаб юрган болани кузатиб туриш, уни қақариш ва ҳаттоки алла айтиб, уқлатиш имкониятига эга.

МАК «Lufthansa»ни ортда қолдирди



«Ўзбекистон ҳаво йўллари» миллий авиакомпанияси 2015 йилнинг январь ва февраль ойларида Санкт-Петербургдаги «Пулково» аэропорти орқали энг кўп ташишни амалга оширувчи хорижий компаниялар орасида биринчи ўринга кўтарилди. Ut.uz сайтининг хабар беришича, февралда 55 099 нафар йўловчига хизмат кўрсатган (умумий йўловчилик оқимининг 7,5 фоизи) МАК бу борада етакчилиқни қўлдан бермай келаётган Германиянинг «Lufthansa», БААнинг «Emirates» каби авиакомпанияларини ортда қолдирган.



«LADO» ҳам Хоразмда чиқади

Маълумки, ўтган йилнинг биринчи чорагида «GM Uzbekistan» қўшма корхонасининг Хоразм вилояти филиалида «Damas» ва «Orlando» русумидаги автомобилларни ишлаб чиқариш йўлга қўйилган. Эътиборли томони шундаки, айти пайтда бу ерда «LADO» русумидаги ингил автомобилларини йиғиш лойиҳасини ҳаётга татбиқ этиш ишлари олиб борилмади. Хоразм вилояти ҳокимлиги ахборот хизматининг хабар беришича, Жанубий Кореянинг «GM Korea» компанияси билан олиб борилаётган музокаралар муваффақиятли яқун топса, 2015 йилнинг охирига қадар корхонада 1250 дана юк ташиги мўлжалланган илҳам автоуловлар ишлаб чиқарилади. Бундан ташқари, жорий йил давомида филиал автосалонларга қарийб 26 500 дана «Damas» ва 3500 дана «Orlando» русумидаги ингил машиналарни етказиб беришни режалаштирган.

Ш.Ҳўжаев тайёрлади.

РЕКЛАМА

3AZ FORZA

Автомобили для жизни!

Автосалон в Ташкенте

тел.: (+998 71) 215-09-11, (+998 91) 162-99-99

ул. Усмана Насира, дом 113 (ориентир — Южный вокзал, АЗС «РОУТАХТ»)



www.sardor-avto.uz

Товар сертифицирован.

МУТОЙИБА

Хотин эридан сўради:
— Азизим, тугилган кунимга нима совға қиласиз?
— Кўчада турган қора «Матиз»ни кўрясанми?
— Ҳа, кўряман...
— Худди ўша рангдаги сумка совға қиламан.

Икки ўртоқ суҳбатидан:

— Ёшлигимда бир қиз мени деб ўзини ўлдирмоқчи бўлган.
— Ол-а? Қанақасига?
— Менга турмушга чиқмаслик учун ўзини дарёда чўктиришга қарор қилган.

— Табриклайман, дўстим. Хотининг билан ярашганинг яхши иш бўлибди-да.

— Қаёқдан олдинг бу гапни?
— Ахир кеча биргаликда ўтин арралаётган эдингларку!
— Нималар деясан, кўрганинг ўтин эмас, мебель эди.

Фахриддин Нуралиев тайёрлади.



ЎТМОЙИ-СИОСИЙ ГАЗЕТА

МУАССИС: ТАДБИРКОРЛАР ВА ИШБИЛАРМОНЛАР ҲАРАКАТИ — O'ZBEKISTON LIBERAL-DEMOKRATIK PARTIYASI

БОШ МУҲАРРИР ВАЗИФАСИНИ БАЖАРУВЧИ: Озод РАҲАБОВ.

ТАҲРИРИЯТ МАНЗИЛИ: Тошкент, Нукус кўчаси, 73А-уй.

ТЕЛЕФОНЛАР: Нотибият — 281-40-17 (тел./факс). Партия турмуши ва парламент фаолияти бўлими — 255-64-80, Ахборот ва таҳлил, хатлар ва шикоятлар бўлими — 255-64-80, Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик фаолияти бўлими — 215-60-45, Ёшлар ва аёллар масалалари бўлими — 254-03-79, Реклама ва шартномалар бўлими — 215-60-45, 255-68-50, қабулхона: 215-63-80 (тел./факс).

ЭЛЕКТРОН ПОЧТА: XXI_ASR@mail.ru

«XXI ASR» ижтимоий-сиёсий газетаси Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 2011 йил 14 июнда 0009 рақами билан қайта рўйхатдан ўтган.

«Ўзбекистон» НМИУ босмахонасида чоп этилди.

Корхона манзили: Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси, 30-уй.

Буюртма рақами: S 2490 Тираж: 15162

Баҳоиси келишилган нархда.

Тошпирилди — 20.00

Тахририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.

©«XXI ASR»дан олинган маълумотларда манба сифатида газета номи кўрсатилиши шарт. Муаллифлар фикри тахририят нукта назаридан фарқ қилиши мумкин.

Реклама материалларига тахририят жавобгар эмас.

Газета тахририятда терилди ҳамда дизайнер Маркс Юсупов томонидан саҳифаланди.

НАШР КЎРСАТКИЧИ: 406

ISSN 2181-497X



9 772181 497094

Навбатчилар: Ш.Ҳўжаев, Ш.РАҲИМОВ.